2. $\iint\limits_{\sigma}xyz\,d\sigma$ интегрални ҳисобланг, бу ерда σ сирт $x+y+z=1$ т кисликнинг биринчи октантда жойлашган қисми. Ж: $\frac{\sqrt{3}}{120}$.

3. $z=\sqrt{4-x^2-y^2}$ яримсферанинг массасини ҳисобланг. Унн ҳар бир нуқтасидаги сиртий зичлиги $\gamma=x^2y^2$ га тенг деб олин Ж: $\frac{128\pi}{15}$ масса бирл.

4. $\iint\limits_{\sigma}yzdxdy+xzdydz+xydxdz$ интегрални ҳисобланг, бу ер σ — биринчи октантда жойлашган ҳамда $x^2+y^2=R^2$ цилиндр в $x=0,\ y=0,\ z=0,\ z=R$ текисликлардан тузилган сиртнинг ташк томони. Ж: $R^4\left(\frac{2}{3}+\frac{\pi}{8}\right)$.

5. $\iint\limits_{\sigma}xdydz+z^3dxdy$ интегрални ҳисобланг, бу ерд σ— $x^2+y^2+z^2=1$ сферанинг ташқи томони. Ж: $\frac{32\pi}{15}$.

3- мустақил иш

1. $\iint\limits_{\sigma}(z+2x+\frac{4}{3}y)\,d\sigma$ интегрални ҳисобланг, бу ерда σ– $6x+4y+3z-12=0$ текисликнинг биринчи октантда ётувч қисми. Ж: $\frac{4}{\sqrt{61}}$.

2. $\iint\limits_{\sigma}x^2y^2\,d\sigma$ интегрални ҳисобланг, бу ерда σ $z=\sqrt{R^2-x^2-y^2}$ яримсфера. Ж: $\frac{2\pi R}{15}$.

3. $\iint\limits_{\sigma}(y+2z)\,dxdy$ интегрални ҳисобланг, бу ерда σ — биринчи октантда жойлашган $6x+3y+2z=6$ текисликнинг юқориги қисми. Ж: $\frac{3}{8}$.

4. $\iint\limits_{\sigma}zdydz+(3y-x)dxdz-zdxdy$ интегрални ҳисобланг, бу ерда σ— $z=0,\ x^2+y^2=1,\ z=x^2+y^2+2$ сиртлар билан чегараланган жисм сиртининг ташқи томони. Ж: 5π.

10- назорат иши

1. Интеграллаш тартибини ўзгартиринг:

1.1. $\int_0^2 dx\int_{4-2x^2}^{4-x^2}f(x,y)\,dy.$

1.2. $\int_0^2 dy\int_{y^2}^{y^2+2}f(x,y)\,dx.$

1.3. $\int_0^3 dx\int_{\sqrt{9-x^2}}^{\sqrt{25-x^2}}f(x,y)\,dy.$

1.4. $\int_0^4 dx\int_{1-\frac{1}{2}x}^{3-\frac{1}{2}x^2}f(x,y)\,dy.$

1.5. $\int_0^4 dy\int_{\frac{1}{2}y+1}^{\frac{3}{2}y+4}f(x,y)\,dx.$

1.6. $\int_0^1 dy\int_{2y+1}^{4-y^2}f(x,y)\,dx.$

1.7. $\int_0^4 dy\int_{\frac{3}{2}\sqrt{y}}^{\sqrt{25-y^2}}f(x,y)\,dx.$

1.8. $\int_0^2 dx\int_{\frac{1}{4}x^2}^{2\sqrt{x}}f(x,y)\,dy.$

1.9. $\int_0^4 dy\int_{\frac{1}{2}y+1}^{7-y}f(x,y)\,dx.$

1.10. $\int_0^4 dx\int_0^{\sqrt{25-x^2}}f(x,y)\,dy.$

1.11. $\int_0^1 dx\int_{2x^2}^{3-x}f(x,y)\,dy.$

1.12. $\int_0^{\frac{3}{2}} dy\int_{2y^2}^{y+3}f(x,y)\,dx.$

1.13. $\int_{-1}^0 dx\int_{2x^2}^{x+3}f(x,y)\,dy.$

1.14. $\int_0^1 dy\int_{2y^2}^{3-y}f(x,y)\,dx.$

1.15. $\int\limits_{-\frac{3}{2}}^{0} dx \int\limits_{2x^2}^{3-x} f(x,y)\,dy$.

1.16. $\int\limits_{0}^{4} dy \int\limits_{\frac{5}{4}y}^{\sqrt{9+y^2}} f(x,y)\,dx$.

1.17. $\int\limits_{0}^{4} dx \int\limits_{\frac{3}{4}x}^{\sqrt{25-x^2}} f(x,y)\,dy$.

1.18. $\int\limits_{-1}^{0} dy \int\limits_{-\sqrt{9+y^2}}^{\frac{5}{4}y} f(x,y)\,dx$.

1.19. $\int\limits_{0}^{1} dx \int\limits_{-1}^{x^2+1} f(x,y)\,dy$.

1.20. $\int\limits_{0}^{4} dy \int\limits_{\frac{3}{4}y}^{\sqrt{25-y^2}} f(x,y)\,dx$.

1.21. $\int\limits_{0}^{4} dx \int\limits_{0}^{\sqrt{25-x^2}} f(x,y)\,dy$.

1.22. $\int\limits_{0}^{4} dx \int\limits_{0}^{\sqrt{x}} f(x,y)\,dy$.

1.23. $\int\limits_{0}^{\frac{3}{4}} dx \int\limits_{x^2}^{x} f(x,y)\,dy$.

1.24. $\int\limits_{1}^{2} dy \int\limits_{0}^{y^2} f(x,y)\,dx$.

1.25. $\int\limits_{1}^{2} dy \int\limits_{0}^{2y} f(x,y)\,dx$.

1.26. $\int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{0}^{2-y} f(x,y)\,dx$.

1.27. $\int\limits_{0}^{2} dx \int\limits_{0}^{3-x} f(x,y)\,dy$.

1.28. $\int\limits_{0}^{\frac{1}{2}} dy \int\limits_{y}^{\sqrt{y}} f(x,y)\,dx$.

1.29. $\int\limits_{0}^{1} dx \int\limits_{0}^{x^2+1} f(x,y)\,dy$.

1.30. $\int\limits_{0}^{1} dx \int\limits_{0}^{4-x^2} f(x,y)\,dy$.

2. Берилган чизиқлар билан чегараланган шаклнинг юзини ҳисобланг:

2.1. $y=\frac{3}{x},\ y=4e^x,$
$y=3,\ y=4.$

2.2. $x=8-y^2,$
$x=-2y.$

2.3. $y^2-2y+x^2=0,$
$y^2-4y+x^2=0,$
$y=x,\ x=0.$

2.4. $x^2-4x+y^2=0,$
$x^2-8x+y^2=0,$
$y=0,\ y=\frac{x}{\sqrt{3}}.$

2.5. $y^2-6y+x^2=0,$

2.6. $y=\frac{3}{x},\ y=8e^x.$
$y=3,\ y=8.$

2.7. $y^2-8y+x^2=0,$
$y^2-10y+x^2=0,$
$y=\frac{x}{\sqrt{3}},\ y=\sqrt{3}\,x.$

2.8. $y=\frac{\sqrt{x}}{2},\ y=\frac{1}{2x},$
$x=16.$

2.9. $y^2-4y+x^2=0,$
$y^2-6y+x^2=0,$
$y=x,\ x=0.$

2.10. $x=5-y^2,$
$x=-4y.$

2.11. $y^2-6y+x^2=0,$
$y^2-10y+x^2=0,$
$y=x,\ x=0.$

2.12. $y=\frac{3}{2}\sqrt{x},$
$y=\frac{3}{2x},\ x=9.$

2.13. $x^2-2x+y^2=0,$
$x^2-6x+y^2=0,$
$y=\frac{x}{\sqrt{3}},\ y=\sqrt{3}\,x.$

2.14. $y=3\sqrt{x},\ y=\frac{3}{x},$
$x=4.$

2.15. $x^2-2x+y^2=0,$
$x^2-8x+y^2=0,$
$y=\frac{x}{\sqrt{3}},\ y=\sqrt{3}\,x.$

2.16. $y=\frac{2}{x},\ y=5e^x,$
$y=2,\ y=5.$

2.17. $x^2-2x+y^2=0,$
$x^2-4x+y^2=0,$
$y=0,\ y=\frac{x}{\sqrt{3}}.$

2.18. $y=32-x^2,$
$y=-4x.$

2.19. $x^2-2x+y^2=0,$
$x^2-6x+y^2=0,$
$y=0,\ y=\frac{x}{\sqrt{3}}.$

2.20. $y=20-x^2,$
$y=-8x.$

2.21. $x^2-2x+y^2=0,$
$x^2-6x+y^2=0,$
$y=0,\ y=x.$

2.22. $y=\frac{25}{4}-x^2,$
$y=x-\frac{5}{2}.$

2.23. $y^2-6y+x^2=0,$
$y^2-8y+x^2=0,$
$y=x,\ x=0.$

2.24. $y=\sqrt{x},\ y=\frac{1}{x},$
$x=16.$

2.25. $y^2-4y+x^2=0,$
$y^2-8y+x^2=0,$
$y=x,\ x=0.$

2.26. $y=\frac{2}{x},\ y=7e^x,$
$y=2,\ y=7.$

2.27. $y^2-4y+x^2=0,$
$y^2-8y+x^2=0,$
$y=\sqrt{3}\,x,\ x=0.$

2.28. $x=27-y^2,$
$x=-6y.$

2.29. $y^2-2y+x^2=0,$
$y^2-10y+x^2=0,$
$y=\frac{x}{\sqrt{3}},\ x=0.$

2.30. $y=11-x^2,$
$y=-10x.$

3. Сиртий зичлиги γ маълум бўлса, берилган эгри чизиклар билан чегараланган D пластинканинг массасини топинг:

3.1. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=4$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{x+y}{x^2+y^2}$.

3.2. $x=1$, $y=0$, $y^2=4x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=7x^2+y$.

3.3. $x^2+y^2=9$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=2(x^2+y^2)$.

3.4. $y^2=4x$, $x=1$, $y=0$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{2}+5y$.

3.5. $x=2$, $y=0$, $y^2=2x(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{8}+2y$.

3.6. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{x+y}{x^2+y^2}$.

3.7. $x=2$, $y=0$, $y^2=\frac{x}{2}$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{2}+6y$.

3.8. $x^2+y^2=4$, $x^2+y^2=25$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\leqslant 0)$, $\gamma=\frac{2x-3y}{x^2+y^2}$.

3.9. $x=1$, $y=0$, $y^2=4x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=x+3y^2$.

3.10. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=9$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\leqslant 0)$ $\gamma=\frac{x-y}{x^2+y^2}$.

3.11. $x=1$, $y=0$, $y^2=x$, $(y\geqslant 0)$, $\gamma=3x+6y^2$.

3.12. $x^2+y^2=9$, $x^2+y^2=25$, $x=0$, $y=0$ $(x\leqslant 0,\ y\leqslant 0)$, $\gamma=\frac{2y-x}{x^2+y^2}$.

3.13. $x=2$, $y=0$, $y^2=\frac{x}{2}$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=2x+3y^2$.

3.14. $x^2+y^2=4$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\leqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{2y-3x}{x^2+y^2}$.

3.15. $x=\frac{1}{2}$, $y=0$, $y^2=8x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=7x+3y^2$.

3.16. $x^2+y^2=9$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\leqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{2y-5x}{x^2+y^2}$.

3.17. $x=1$, $y=0$, $y^2=4x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=7x^2+2y$.

3.18. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{x+3y}{x^2+y^2}$.

3.19. $x=2$, $y^2=2x$, $y=0$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{4}+\frac{y}{2}$.

3.20. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=4$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\geqslant 0)$. $\gamma=\frac{x+2y}{x^2+y^2}$.

3.21. $x=2$, $y=0$, $y^2=2x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{4}+y$.

3.22. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=9$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\leqslant 0)$, $\gamma=\frac{2x-y}{x^2+y^2}$.

3.23. $x=2$, $y=0$, $y^2=\frac{x}{2}$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{7x^2}{2}+8y$.

3.24. $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=25$ $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\leqslant 0)$, $\gamma=\frac{x-4y}{x^2+y^2}$

3.25. $x=1$, $y=0$, $y^2=4x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=6x+3y^2$.

3.26. $x^2+y^2=4$, $x^2+y^2=16$, $x=0$, $y=0$ $(x\geqslant 0,\ y\leqslant 0)$, $\gamma=\frac{3x-y}{x^2+y^2}$.

3.27. $x=2$, $y=0$, $y^2=\frac{x}{2}$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=4x+6y^2$.

3.28. $x^2+y^2=4$, $x^2+y^2=9$, $x=0$, $y=0$ $(x\leqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{y-4x}{x^2+y^2}$.

3.29. $x=\frac{1}{2}$, $y=0$, $y^2=2x$ $(y\geqslant 0)$, $\gamma=4x+9y^2$.

3.30. $x^2+y^2=4$, $x^2+y^2=9$, $x=0$, $y=0$ $(x\leqslant 0,\ y\geqslant 0)$, $\gamma=\frac{y-2x}{x^2+y^2}$.

4. Эгри чизикли интегралларни ҳисобланг:

4.1. $\int\limits_L (x^2+y^2)\,dl$, бу ерда L — $x^2+y^2=4x$ айлана.

4.2. $\int\limits_L (4\sqrt[3]{x}-3\sqrt[3]{y})\,dl$, бу ерда L — $x=\cos^3 t$, $y=\sin^3 t$ астроиданинг $A(1,\ 0)$ ва $B(0,\ 1)$ нукталар орасидаги ёйи.

4.3. $\int\limits_L xy\,dl$, бу ерда L — томонлари $x=1$, $x=-1$, $y=1$, $y=-1$ бўлган квадрат контури.

4.4. $\int\limits_L y^2\,dl$, бу ерда L — $x=t-\sin t$, $y=1-\cos t$ циклоиданинг биринчи арки.

4.5. $\int\limits_L xy\,dl$, бу ерда L — учлари $A(2,\ 0)$, $B(4,\ 0)$, $C(4,\ 3)$, $D(2,\ 3)$ дан иборат тўғри тўртбурчак контури.

4.6. $\int\limits_L y\,dl$, бу ерда L — $y^2=2x$ параболанинг $x^2=2y$ парабола кесган ёйи.

4.7. $\int\limits_L \frac{dl}{x-y}$, бу ерда L — тўғри чизиқнинг $A(4,\ 0)$, $B(6, 1)$ нуқталар орасидаги кесмаси.

4.8. $\int\limits_L (x^2+y^2)2dl$, бу ерда L — $r=2$ айлананинг биринчи чораги.

4.9. $\int\limits_L (x-y)dl$, бу ерда L — $x^2+y^2=2x$ айлана.

4.10. $\int\limits_L \sqrt{x^2+y^2}\,dl$, бу ерда L — $x^2+y^2=2x$ айлана.

4.11. $\int\limits_L xydl$, бу ерда L — учлари $O(0, 0)$, $A(3, 0)$, $B(3, 4)$, $D(0, 4)$ = бўлган тўғри тўртбурчак контури.

4.12. $\int\limits_L (x^2+y^2)dl$, бу ерда L — $x^2+y^2=4$ айлана.

4.13. $\int\limits_L \frac{dl}{\sqrt{8-x^2-y^2}}$, бу ерда L — $O(0, 0)$ ва $B(2, 2)$ нуқталарни туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

4.14. $\int\limits_L (4\sqrt[3]{x}-3\sqrt{y})dl$, бу ерда L — $A(-1, 0)$ ва $B(0, 1)$ нуқталарни туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

4.15. $\int\limits_L \frac{dl}{x-y}$, бу ерда L — $A(0,\ 4)$ ва $B(4,\ 0)$ нуқталар орасида жойлашган тўғри чизиқ кесмаси.

4.16. $\int\limits_L \frac{y}{\sqrt{x^2+y^2}}dl$, бу ерда L — $r=2(1+\cos\varphi)$, $0\leqslant\varphi\leqslant\frac{\pi}{2}$ кардиоида ёйи.

4.17. $\int\limits_L ydl$, бу ерда L — $x=\cos^3 t$, $y=\sin^3 t$ астроиданинг $A(1, 0)$ ва $B(0,\ 1)$ нуқталар орасидаги ёйи.

4.18. $\int\limits_L ydl$, бу ерда L — $y^2=\frac{2}{3}x$ параболанинг $O(0,\ 0)$ ва $A\left(\frac{\sqrt{35}}{6}, \frac{\sqrt{35}}{3}\right)$ нуқталар орасидаги ёйи.

4.19. $\int\limits_L (4\sqrt[3]{x}-3\sqrt{y})dl$, бу ерда L — $A(1, 0)$ ва $B(0, 1)$ нуқталар орасидаги тўғри чизиқ кесмаси.

4.20. $\int\limits_L \mathrm{arctg}\frac{y}{x}dl$, бу ерда L — $r=(1+\cos\varphi)$, $0\leqslant y\leqslant\frac{\pi}{2}$ кардиоида ёйи.

4.21. $\int\limits_L xydl$, бу ерда L — учлари $O(0, 0)$, $A(5, 0)$, $B(5, 3)$, $C(0, 3)$ бўлган тўғри тўртбурчак контури.

4.22. $\int\limits_L \sqrt{x^2+y^2}\,dl$, бу ерда L — $x^2+y^2=2y$ айлана.

4.23. $\int\limits_L (x+y)dl$, бу ерда L — $r^2=\cos 2\varphi$, $-\frac{\pi}{4}\leqslant\varphi\leqslant\frac{\pi}{4}$ Бернулли лемнискатасининг ёйи.

4.24. $\int\limits_L (x+y)dl$, бу ерда L — учлари $O(0,\ 0)$, $A(-1,\ 0)$, $B(0,1)$ бўлган учбурчак контури.

4.25. $\int\limits_L (x^2+y^2)dl$, бу ерда L — $r=4$ айлананинг биринчи чораги.

4.26. $\int\limits_L (x+y)dl$, бу ерда L — учлари $A(1, 0)$, $B(0, 1)$, $O(0, 0)$ бўлган учбурчак контури.

4.27. $\int\limits_L xydl$, бу ерда L — учлари $O(0, 0)$, $A(4, 0)$, $B(4, 2)$, $C(0, 2)$ бўлган тўғри тўртбурчак контури.

4.28. $\int\limits_L \frac{(y^2-x^2)xy}{(x^2+y^2)}dl$, бу ерда L — $r=9\sin 2\varphi$, $0\leqslant\varphi\leqslant\frac{\pi}{4}$ эгри чизиқ ёйи.

4.29. $\int\limits_L \frac{dl}{\sqrt{x^2+y^2+4}}$, бу ерда L — $O(0, 0)$ ва $A(1, 2)$ нуқталарни туташирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

4.30. $\int\limits_L \sqrt{2y}\,dl$, бу ерда L — $x=2(t-\sin t)$, $y=2(1-\cos t)$ циклоиданинг биринчи арки.

5. Эгри чизиқли интегрални ҳисобланг:

5.1. $\int\limits_{AB} (x^2-2xy)dx+(y^2-2xy)dy$, бу ерда AB — $y=x^2$ параболанинг $A(-1,\ 1)$ дан $B(1,\ 1)$ гача ёйи.

5.2. $\int\limits_{AB} \frac{x^2dy-y^2dx}{3\sqrt{x^5}+\sqrt[3]{y^5}}$, бу ерда AB — $x=2\cos^3 t$, $y=2\sin^3 t$ астроиданинг $A(2,\ 0)$ дан $B(0,\ 2)$ нуқтагача ёйи.

5.3. $\int\limits_{AB} (x^2+y^2)dx+2xydy$, бу ерда AB — $y+x^3$ кубик параболанинг $A(0,\ 0)$ дан $B(1,\ 1)$ нуқтагача ёйи.

5.4. $\oint\limits_L (x+2y)\,dx+(x-y)\,dy$, бу ерда L — $x=2\cos t$, $y=2\sin t$ айлана (айланиб ўтиш мусбат).

5.5. $\oint\limits_L (x^2y-x)\,dx+(y^2x-2y)\,dy$, бу ерда L — $x=3\cos t$, $y=2\sin t$ эллипс ёйи (айланиб ўтиш мусбат).

5.6. $\int\limits_L (xy-1)\,dx+x^2y\,dy$, бу ерда L — $x=\cos t$, $y=2\sin t$ эллипснинг $A(1,\ 0)$ нуктадан $B(0,\ 2)$ нуктагача ёйи.

5.7. $\int\limits_{OBA} 2xy\,dx-x^2dy$, бу ерда OBA — $O(0,\ 0)$, $B(2,\ 0)$, $A(2,\ 1)$ нукталарни туташтирувчи синик чизик.

5.8. $\int\limits_{AB} (x^2-y^2)\,dx+xy\,dy$, бу ерда AB — $A(1,\ 1)$, $B(3,\ 4)$ нукталарни туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

5.9. $\int\limits_L \cos y\,dx-\sin x\,dy$, бу ерда L — AB тўғри чизиқ кесмаси $A(2\pi,\ -2\pi)$, $B(-2\pi;\ 2\pi)$.

5.10. $\int\limits_L \frac{y\,dx+x\,dy}{x^2+y^2}$, бу ерда L — AB тўғри чизиқ кесмаси $A(1,\ 2)$, $B(3,\ 6)$.

5.11. $\int\limits_L xy\,dx+(y-x)\,dy$, бу ерда L — $y=x^3$ кубик параболанинг $A(0,\ 0)$ нуқтадан $B(1,\ 1)$ нуктагача ёйи.

5.12. $\int\limits_L (x^2+y^2)\,dx+(x+y^2)\,dy$, бу ерда L — ABC синик чизиқ $A(1,\ 2)$, $B(3,\ -2)$, $C(3,\ 5)$.

5.13. $\int\limits_L y^2dx+x^2dy$, бу ерда L — $x=a\cos t$, $y=b\sin t$ эллипснинг соат мили бўйича айланиб ўтилган юкори ярми.

5.14. $\int\limits_L (xy-y^2)\,dx+x\,dy$, бу ерда L – $y=2\sqrt{x}$ параболанинг $0(0,0)$ нуктадан $B(1,\ 2)$ нуктагача ёйи.

5.15. $\int\limits_L x\,dx+xy\,dy$, бу ерда L — $x^2+y^2=2x$ айлананинг контурни мусбат айланиб чиккандаги юкориги ярми.

5.16. $\int\limits_L (x-y)\,dx+dy$, бу ерда L — $x^2+y^2=R^2$ айлананинг контурни мусбат йўналишда айланиб чиккандаги юкориги ярми.

5.17. $\oint\limits_L (x^2-y)\,dx$, бу ерда L контур $x=0$, $y=0$, $x=1$, $y=2$ тўғри чизиқлар ҳосил қилган тўғри тўртбурчак (контурни айланиб ўтиш йўналиши мусбат).

5.18. $\int\limits_L 4x\sin^2y\,dx+y\cos 2x\,dy$, бу ерда L — $O(0,\ 0)$ ва $B(3,6)$ нукталарни туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

5.19. $\oint\limits_L y\,dx-x\,dy$, бу ерда L — $x=6\cos t$, $y=4\sin t$ эллипснинг контурни айланиб чиқиш йўналиши мусбат бўлгандаги ёйи.

5.20. $\int\limits_L 2xy\,dx-x^2dy$, бу ерда L — $x=2y^2$ параболанинг $O(0,0)$ нуктадан $A(2,\ 1)$ нуктагача ёйи.,

5.21. $\int\limits_L (x,\ y-x)\,dx+\frac{1}{2}x^2dy$, бу ерда L — $y^2=4x$ параболанинг $A(0,\ 0)$ нуктадан $B(1,\ 2)$ нуктагача ёйи.

5.22. $\oint\limits_L (x^2+y^2)\,dx+(x^2-y^2)\,dy$, бу ерда L — учлари $A(0,\ 0)$, $B(1,0)$, $C(0,\ 1)$ бўлган учбурчак контури (контурни айланиб чиқиш йўналиши мусбат).

5.23. $\int\limits_L (xy-x)\,dx+\frac{x^2}{2}dy$, бу ерда L — ABO синик чизик: $O(0,0)$, $A(1,\ 2)$, $B(\frac{1}{2},3)$; контурни айланиб чиқиш йўналиши мусбат.

5.24. $\int\limits_L (xy-y^2)\,dx+x\,dy$, бу ерда L — $O(0,0)$ нуктадан $A(1,2)$ нуктагача тўғри чизиқ кесмаси.

5.25. $\int\limits_L x\,dy-y\,dx$, бу ерда L — $y=x^3$ кубик параболанинг $O(0,0)$ нуктадан $A(2,\ 8)$ нуктагача ёйи.

5.26. $\int\limits_L 2xy\,dx-x^2dy$, бу ерда L — $y=\frac{x^2}{4}$ параболанинг $A(0,0)$ нуктадан $B(2,\ 1)$ нуктагача ёйи (бўлаги).

5.27. $\int\limits_L (xy-x)\,dx+\frac{x^2}{2}dy$, бу ерда L — $y=4x^2$ параболанинг $O(0,0)$ нуқтадан $A(1,\ 4)$ нуктагача ёйи.

5.28. $\int\limits_L (x+y)\,dx+(x-y)\,dy$, бу ерда L — $y=x^2$ параболанинг $A(-1,\ 1)$ нуктадан $B(1,\ 1)$ нуктагача ёйи.

5.29. $\oint\limits_L x\,dy-y\,dx$, бу ерда L — учлари $A(-1,\ 0)$, $B(1,\ 0)$, $C(0,\ 1)$ нукталарда бўлган учбурчак контури (контурни айланиб ўтиш йўналиши мусбат).

5.30. $\int\limits_L (x^2+y)\,dx+(x\ \text{[illegible]}\ y^2)\,dy$, бу ерда L — ABC синик чизик: $A(2,\ 0)$, $B(5,\ 3)$, $C(5,\ 0)$.

6. Берилган ифодалар $u(x, y)$ функциянинг тўлик дифференциали эканлигини кўрсатинг. Эгри чизикли интеграл ёрдамида $u(x, y)$ функцияни топинг:

6.1. $(10xy^3+12x^3+6)\,dx+(15x^2y-5)\,ydy.$

6.2. $(y^2e^{xy^2}+6x-8)\,dx+(2xye^{xy^2}-8y)\,dy.$

6.3. $(\cos x\cdot\cos y+6x+3)\,dx+(18y^2-\sin x\cdot\sin y)\,dy.$

6.4. $\left(\sin x+\frac{\cos x\cos y}{\sin^2 x}\right)dx+\left(\frac{\sin y}{\sin x}-\cos y\right)dy.$

6.5. $\left(\frac{1}{y-1}-\frac{y}{(x-1)^2}-1\right)dx+\left(\frac{1}{x-1}-\frac{x}{(y-1)^2}+2y\right)dy.$

6.6. $\left(\frac{y}{1+x^2y^2}-1\right)dx+\left(\frac{x}{1+x^2y^2}-10\right)dy.$

6.7. $\left(\frac{1}{x-1}+\frac{\cos x}{y-1}+3x^2\right)dx+\frac{1-\sin x}{(y-1)^2}\,dy.$

6.8. $\left(2\cos 2x\cos 3y-\frac{1}{x}\right)dx+\left(\frac{2}{y}-3\sin 2x\sin 3y\right)dy.$

6.9. $\left(e^{-x}-\frac{2}{x^3y}\right)dx+\left(\sin 3y-\frac{1}{x^2y^2}\right)dy.$

6.10. $(xye^{x^2y}+\cos 2x+x^2)\,dx+\left(\frac{x^2}{2}e^{x^2y}+y\right)dy.$

6.11. $\left(\frac{1}{x+y}+2\right)dx+\left(\frac{1}{x+y}-3\right)dy.$

6.12. $(x+y\cdot\sin^2 y)\,dx+(1+x\sin^2 y+xy\sin 2y)\,dy.$

6.13. $\frac{1-2y}{x^2y}dx+\frac{1-x}{xy^2}dy.$

6.14. $\left(e^{-x}-\frac{2}{yx^3}\right)dx+\left(\sin 3y-\frac{1}{x^2y^2}\right)dy.$

6.15. $\left(2xy-\frac{1}{x^2}\right)dx+\left(x^2-\frac{2}{y^3}\right)dy.$

6.16. $\left(\frac{1}{x-1}+\frac{\cos x}{y-1}\right)dx+\frac{1-\sin x}{(y-1)^2}\,dy.$

6.17. $\left(\ln y+\frac{y}{x}-x\right)dx+\left(\ln x+\frac{x}{y}+1\right)dy.$

6.18. $\left(2\cos 2x\cdot\cos 3y-\frac{1}{x}\right)dx-\left(\frac{2}{y}-3\sin 2x\cdot\sin 3y\right)dy.$

6.19. $\left(\frac{2}{x^2}+\cos^2 y\right)dx+(y-x\sin 2y)\,dy.$

6.20. $\left(\frac{1}{x^2}+\frac{1}{y}\right)dx+\frac{1-x}{y^2}dy=0.$

6.21. $(\sin^2 y-y\cdot\sin 2x)\,dx+(x\sin 2y+\cos^2 x+1)\,dy.$

6.22. $\left(\frac{y}{x}+\ln y+2x\right)dx+\left(\ln x+\frac{x}{y}+1\right)dy.$

6.23. $\left(\frac{y}{\sqrt{1-x^2y^2}}+x^2\right)dx+\left(\frac{x}{\sqrt{1-x^2y^2}}+y\right)dy.$

6.24. $\left(\frac{y}{1+x^2y^2}-1\right)dx+\left(\frac{x}{1+x^2y^2}-10\right)dy.$

6.25. $\frac{1-y}{x^2y}dx+\frac{1-2x}{y^2x}dy.$

6.26. $\left(\frac{y^2}{(x+y)^2}-\frac{1}{x}\right)dx+\left(\frac{x^2}{(x+y)^2}+\frac{1}{y}\right)dy.$

6.27. $\left(x-\frac{y}{x^2+y^2}\right)dx+\left(\frac{x}{x^2+y^2}-y\right)dy.$

6.28. $(y\cos xy+2x-3y)\,dx+(x\cos xy-3x+4y)\,dy.$

6.29. $(5y+\cos x+6xy^2)\,dx+(5x+6x^2y)\,dy.$

6.30. $(y-\sin x)\,dx+(x-2y\cos y^2)\,dy.$

12- б о б

ВЕКТОР АНАЛИЗИ

1- §. Скаляр майдон. Сатҳ чизиқлари ва сиртлари. Йўналиш бўйича ҳосила. Градиент. Вектор майдон. Вектор чизиқлар

12.1.1. Агар фазодаги бирор D соҳанинг ҳар бир $M=M(x, y, z)$ нуқтасида $u=u(M)=f(x, y, z)$ скаляр функция берилган бўлса, у ҳолда бу соҳада *скаляр майдон берилган* дейилади. $u=f(x, y, z)$ функция *майдон функцияси* дейилади.

Агар D соҳа текисликка тегишли бўлса, скаляр майдон *ясси майдон* дейилади.

Скаляр майдоннинг $u(x, y, z)=C$ (C — ўзгармас сон) тенглама билан аниқланган қисми *сатҳ сирти* дейилади. $u(x, y)=C$ тенглама ясси скаляр майдоннинг *сатҳ чизиғини* аниқлайди.

Агар $\vec{l}=\cos\alpha\cdot\vec{i}+\cos\beta\vec{j}+\cos\gamma\vec{k}$ — бирор l йўналишдаги бирлик вектор бўлса, у ҳолда скаляр майдоннинг дифференциалланувчи $u=f(x, y, z)$ функциясининг l йўналиш бўйича ҳосиласи $\frac{\partial u}{\partial l}$ қуйидаги

$$\frac{\partial u}{\partial l}=\frac{\partial u}{\partial x}\cos\alpha+\frac{\partial u}{\partial y}\cos\beta+\frac{\partial u}{\partial z}\cos\gamma$$

формула билан аниқланади.

Скаляр майдон функцияси $u=f(x, y)$ бўлса, у ҳолда

$$\frac{\partial u}{\partial l}=\frac{\partial u}{\partial x}\cos\alpha+\frac{\partial u}{\partial y}\cos\beta ,$$

бу ерда $\vec{l}=\cos\alpha\cdot\vec{i}+\cos\beta\cdot\vec{j}$, $\beta=\frac{\pi}{2}-\alpha$.

$u=f(x, y, z)$ скаляр майдоннинг градиенти деб, қуйидаги

$$\mathrm{grad}u=\frac{\partial u}{\partial x}\vec{i}+\frac{\partial u}{\partial y}\vec{j}+\frac{\partial u}{\partial z}\vec{k}$$

векторга айтилади.

$u=f(x, y, z)$ функциянинг берилган нуқтадаги градиенти билан бу нуқтадаги йўналиш бўйича ҳосила орасида қуйидаги муносабат билан ифодаланувчи боғланиш мавжуд:

$$\frac{\partial u}{\partial l}=\mathrm{grad}u\cdot\vec{l} \text{ ёки } \frac{\partial u}{\partial l}=\mathrm{np}_{\vec{l}}\,\mathrm{grad}u .$$

Градиент қуйидаги хоссаларга эга:

а) $\mathrm{grad}(u_1+u_2)=\mathrm{grad}u_1+\mathrm{grad}u_2$;
б) $\mathrm{grad}Cu=C\mathrm{grad}u$ ($C=\mathrm{const}$);
в) $\mathrm{grad}(u_1\cdot u_2)=u_1\mathrm{grad}u_2+u_2\mathrm{grad}u_1$.

1- м и с о л. $u=xy^2z^3$ функция ва M (3, 2, 1), N (5, 4, 2) нуқта берилган. Бу функциянинг M нуқтадаги $\overline{MN}$ вектор йўналиши бўйича ҳосиласини топинг.

Е ч и ш. u функциянинг M (3, 2, 1) нуқтадаги хусусий ҳосилалари:

$$\left.\frac{\partial u}{\partial x}\right|_M=y^2z^3|_M=2^2\cdot 1^3=4 ;$$

$$\left.\frac{\partial u}{\partial y}\right|_M=2xyz^3|_M=2\cdot 3\cdot 2\cdot 1^3=12 ;$$

$$\left.\frac{\partial u}{\partial z}\right|_M=3xy^2z^2|_M=3\cdot 3\cdot 2^2\cdot 1^2=36 .$$

$\overline{MN}$ вектор билан йўналиши бир хил бўлган $\vec{l}$ бирлик вектор

$$\vec{l}=\frac{\overline{MN}}{|\overline{MN}|}$$

га тенг, бу ерда

$$\overline{MN}=(5-3)\vec{i}+(4-2)\vec{j}+(2-1)\vec{k}=2\vec{i}+2\vec{j}+\vec{k} ,$$

$|\overline{MN}|=\sqrt{2^2+2^2+1^2}=3$. Демак,

$$\vec{l}=\frac{2}{3}\vec{i}+\frac{2}{3}\vec{j}+\frac{1}{3}\vec{k} .$$

Шундай қилиб,

$$\frac{\partial u}{\partial l}=4\cdot\frac{2}{3}+12\cdot\frac{2}{3}+36\cdot\frac{1}{3}=\frac{68}{3} .$$

2- м и с о л. $u=\ln(x^2+y^2)$ функциянинг M (3, 4) нуқтадаги u функция градиенти йўналишидаги ҳосиласини топинг.

Е ч и ш. Бу ерда $\vec{l}$ вектор функциянинг $M(3, 4)$ нуқтадаги градиенти билан бир хил йўналган, шунинг учун $\frac{\partial u}{\partial l}=|\mathrm{grad}u|$.

$M(3, 4)$ нуқтадаги хусусий ҳосилалар:

$$\left.\frac{\partial u}{\partial x}\right|_M=\left.\frac{2x}{x^2+y^2}\right|_M=\frac{6}{25};\quad \left.\frac{\partial u}{\partial y}\right|_M=\left.\frac{2y}{x^2+y^2}\right|_M=\frac{8}{25} .$$

Демак,

$$\mathrm{grad}u|_M=\frac{6}{25}\vec{i}+\frac{8}{25}\vec{j} .$$

Шундай қилиб,

$$\frac{\partial u}{\partial l} = \sqrt{\left(\frac{6}{25}\right)^2+\left(\frac{8}{25}\right)^2} = \frac{10}{25}=\frac{2}{5}.$$

12.1.2. Агар фазодаги D соҳанинг ҳар бир $M\ (x, y, z)$ нуқтасида $\vec a(M)=\{P, Q, R\}$ вектор (бу ерда $P=P(x,y,z)$, $Q=Q(x,y,z)$, $R=R(x,y,z)$ — скаляр функциялар) аниқланган бўлса, у ҳолда D соҳада *вектор майдон берилган* дейилади.

Вектор майдоннинг *вектор чизиғи* деб шундай чизиққа айтиладики, унинг ҳар бир нуқтасида уринманинг йўналиши шу нуқтага мос келган $\vec a(M)$ векторнинг йўналиши билан бир хил бўлади.

Сирт бўлагининг нуқталари орқали ўтувчи ҳамма вектор чизиқлар тўплами *вектор найчалари* дейилади.

Вектор чизиқлари ушбу дифференциал тенгламалар системасидан аниқланади:

$$\frac{dx}{P(x,y,z)}=\frac{dy}{Q(x,y,z)}=\frac{dz}{R(x,y,z)}.$$

Координаталари вақтга боғлиқ бўлмаган майдон (скаляр ёки вектор) *стационар* ёки *барқарор майдон* дейилади.

3- мисол. $\vec a=-y\vec i+x\vec j+b\vec k$ вектор майдоннинг $M(1,0,0)$ нуқтадан ўтадиган вектор чизиғини топинг.

Ечиш. $P(x,y,z)=-y$, $Q(x,y,z)=x$, $R(x,y,z)=b$ эканлигини ҳисобга олиб, вектор чизиқларнинг ушбу

$$\frac{dx}{-y}=\frac{dy}{x}=\frac{dz}{b}$$

дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.

Уларни ечамиз:

$$\begin{cases}\dfrac{dx}{-y}=\dfrac{dy}{x},\\ \dfrac{dy}{x}=\dfrac{dz}{b},\end{cases}\quad \begin{cases} xdx+ydy=0,\\ \dfrac{dz}{b}=\dfrac{dy}{x},\end{cases}$$

$$\begin{cases}x^2+y^2=C_1^2,\\ \dfrac{dz}{b}=\dfrac{dy}{x}\end{cases}$$

ёки параметрик шаклда:

$$x=C_1\cos t,\quad y=C_1\sin t,\quad \frac{dz}{b}=\frac{C_1\cos t\,dt}{C_1\cos t}\qquad \begin{cases}x=C_1\cos t,\\ y=C_1\sin t,\\ z=bt+C_2.\end{cases}$$

Интеграллаш доимийлари вектор чизиқ $M(1,0,0)$ нуқтадан ўтади деган шартдан топилади: $C_1=1$ ва $C_2=0$.

Шундай қилиб, $\vec a=-y\vec i+x\vec j+b\vec k$ вектор майдоннинг вектор чизиқлари ушбу $x=\cos t$, $y=\sin t$, $z=bt$ (винт чизиқ) тенгламалар билан аниқланади.

1- дарсхона топшириғи

1. Қуйидаги

а) $u=\ln(x^2+y^2+z^2)$; б) $u=\dfrac{z}{x^2+y^2}$

функциялар аниқлайдиган скаляр майдонларнинг сатҳ сиртлари тенгламаларини ёзинг ва уларни чизинг.

2. $z=xy$ ясси скаляр майдоннинг сатҳ чизиқларини чизинг.

3. $u=\ln(3-x^2)+xy^2z$ функциянинг $M_1\ (1,3,2)$ нуқмадаги $M_2\ (0,5,0)$ нуқта томон йўналиши бўйича ҳосиласини топинг. Ж: $-\frac{11}{3}$.

4. $z=\sqrt{x^2+y^2}$ функциянинг $M_0\ (3,4)$ нуқтадаги:

а) $\vec a=\{1,1\}$ вектор бўйича; б) M_0 нуқтанинг радиус-вектори бўйича; в) $\vec s=\{4,3\}$ вектор йўналиши бўйича ҳосиласини топинг. Ж: а) $\frac{7\sqrt2}{2}$; б) 1; в) 0.

5. Агар $u=x^2yz-xy^2z+xyz^2$ бўлса, $M_0\ (1,1,1)$ нуқтада grad u ни топинг.

Ж: $\mathrm{grad}\,u=2\vec i-2\vec j+2\vec k$.

6. $u=\frac{3}{2}x^2+3y^2-2z^2$ ва $v=x^2yz$ функцияларнинг $M\left(2,\frac{1}{3},\frac{\sqrt3}{2}\right)$ нуқтадаги градиентлари орасидаги φ бурчакни топинг. Ж: $\frac{\pi}{2}$.

7. $z=\dfrac{2x^2}{y^3}$ сиртнинг $M(2,1,8)$ нуқтадаги энг катта кўтарилиш тиклигининг φ бурчагини топинг. Ж: $\mathrm{tg}\,\varphi=8\sqrt{10}$, $\varphi\approx87°40'$.

8. Агар: а) $\vec a=wy\vec i+wx\vec j$, $w\neq0$; б) $\vec a=5x\vec i+10y\vec j$; в) $\vec a=4z\vec j-9y\vec k$ бўлса, вектор майдоннинг вектор чизиқларини топинг. Ж: а) $x^2-y^2=C_1$, $z=C_2$; б) $x^2=C_1y$; $z=C_2$; в) $9y^2+4z^2+C_1^2$, $x=C_2$.

1- мустақил иш

1. Ясси $z=4-x^2-y^2$ скаляр майдоннинг сатҳ чизиқларини ва $M(1,2)$ нуқтадаги grad$z$ ни ясанг.

2. $u=x+\ln(y^2+z^2)$ функциянинг $M(2,1,1)$ нуқтадаги $\vec a=-2\vec i+\vec j-\vec k$ вектор йўналишидаги ҳосиласини ҳисобланг. Ж: $-\frac{\sqrt6}{3}$.

3. $z=5x^2-2xy+y^2$ сиртнинг $M(1,\ 1,\ 4)$ нуктадаги энг катта кўтарилиш тиклигининг φ бурчагини топинг.

Ж: $\mathrm{tg}\varphi=8$, $\varphi\approx 83°$.

4. Агар:

а) $\vec{a}=(x+y)\vec{i}-x\vec{j}-x\vec{k}$; б) $\vec{a}=2x\vec{i}+8z\vec{k}$

бўлса, вектор майдонларнинг вектор чизикларини топинг.

Ж: а) $x^2+y^2+z^2=C_2^2$, $y-z=C_1$;

б) $z=C_1x^4$, $y=C_2$.

2-§. Вектор майдон оқими. Остроградский теоремаси. Вектор (майдон) дивергенцияси

12.2.1. Сирт орқали ўтадиган оқимни ҳисоблаш. Агар σ сиртнинг ҳар бир нуктасидаги нормалнинг мусбат йўналиши

$$\vec{n}^0=\cos\alpha\,\vec{i}+\cos\beta\,\vec{j}+\cos\gamma\,\vec{k}$$

бирлик вектор орқали аникланган бўлса, у ҳолда $\vec{a}(M)=\{P,\ Q,\ R\}$ вектор майдоннинг σ сирт орқали ўтувчи П *оқими* деб қуйидаги иккинчи тур сирт интегралига айтилади:

$$\Pi=\iint_\sigma P(x,y,z)\,dydz+Q(x,y,z)\,dzdx+R(x,y,z)\,dxdy,$$

ёки

$$\Pi=\iint_\sigma [P(x,y,z)\cos\alpha+Q(x,y,z)\cos\beta+R(x,y,z)\cos\gamma]d\sigma$$

ёки вектор шаклда

$$\Pi=\iint_\sigma \vec{a}\cdot\vec{n}^0 d\sigma.$$

Агар σ — ёпиқ бўлакли-силлиқ сирт бўлиб, ташқи нормалининг бирлик вектори $\vec{n}_0=\{\cos\alpha,\ \cos\beta,\ \cos\gamma\}$ бўлса, у ҳолда бу сирт орқали оқиб ўтадиган $\vec{a}=\{P,\ Q,\ R\}$ вектор оқими П ни ушбу Остроградский — Гаусс формуласи ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\Pi=\oint\!\!\oint_\sigma (P\cos\alpha+Q\cos\beta+R\cos\gamma)\,d\sigma=\iiint_\Omega\left(\frac{\partial P}{\partial x}+\frac{\partial Q}{\partial y}+\frac{\partial R}{\partial z}\right)dxdydz,$$

бу ерда Ω — фазонинг σ сирт билан чегараланган бўлаги.

$\vec{a}(M)=\{P,\ Q,\ R\}$ вектор майдоннинг *дивергенцияси* деб $\mathrm{div}\,\vec{a}=\dfrac{\partial P}{\partial x}+\dfrac{\partial Q}{\partial y}+\dfrac{\partial R}{\partial z}$ муносабат билан аникланган скаляр миқдорга айтилади.

Остроградский — Гаусс формуласи вектор шаклида қуйидагича ёзилади:

$$\oint\!\!\oint_\sigma \vec{a}\cdot\vec{n}\cdot d\sigma=\iiint_\Omega \mathrm{div}\,\vec{a}\,dxdydz.$$

Вектор майдони дивергенциясининг асосий хоссалари:

а) $\mathrm{div}(\vec{a}+\vec{b})=\mathrm{div}\,\vec{a}+\mathrm{div}\,\vec{b}$;

б) $\mathrm{div}\,\vec{c}=0$, агар $\vec{c}$ — ўзгармас вектор бўлса;

в) $\mathrm{div}\,f\vec{a}=f\,\mathrm{div}\,\vec{a}+\vec{a}\,\mathrm{grad}\,f$,

бу ерда $f=f(x,\ y,\ z)$ — скаляр функция.

12.2.2. Сирт орқали оқиб ўтадиган оқимни ҳисоблашга мисоллар кўрамиз.

1-мисол. $\vec{a}=x\vec{i}-2y\vec{j}+z\vec{k}$ вектор майдоннинг $x+2y+3z-6=0$ текисликнинг биринчи октантда жойлашган юқори қисми бўйича оқимини ҳисобланг.

Ечиш. Текисликнинг нормал бирлик вектори $\vec{n}^0=\left\{\frac{1}{\sqrt{14}},\frac{2}{\sqrt{14}},\frac{3}{\sqrt{14}}\right\}$ бўлади. $\vec{a}$ вектор оқимини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$\Pi=\oint\!\!\oint_\sigma \vec{a}\cdot\vec{n}^0 d\sigma=\frac{1}{\sqrt{14}}\iint_\sigma (x-4y+3z)\,d\sigma.$$

Бу ерда

$$z=\frac{1}{3}(6-x-2y),\ d\sigma=\sqrt{1+\left(-\frac{1}{3}\right)^2+\left(-\frac{2}{3}\right)^2}\,dxdy=\frac{\sqrt{14}}{3}\,dxdy.$$

Шундай қилиб,

$$\Pi=\frac{1}{3}\iint_D (x-4y+6-x-2y)\,dxdy=\frac{1}{3}\iint_D (6-6y)\,dxdy=$$

$$=2\int_0^3 dy\int_0^{6-2y}(1-y)\,dx=2\int_0^3(1-y)(6-2y)\,dy=2\int_0^3(6-8y+2y^2)\,dy=$$

$$=4\int_0^3(y^2-4y+3)\,dy=4\left(\frac{1}{3}y^3-2y^2+3y\right)\Big|_0^3=$$

$$=4\left(\frac{27}{3}-18+9\right)=0.$$

2-мисол. $\vec{a}=xz^2\vec{i}+yx^2\vec{j}+zy^2\vec{k}$ вектор майдоннинг $x^2+y^2+z^2=a^2$ шар сирти бўйича унинг ташқи томонига оқимини ҳисобланг.

Ечиш. Сирт ёпиқ бўлгани учун $\vec{a}$ вектор майдоннинг шар сирти бўйича ташқи томонига оқими П ни Остроградский — Гаусс формуласи бўйича топамиз:

$$\Pi=\oint\!\!\oint_\sigma \vec{a}\cdot\vec{n}^0 d\sigma=\iiint_\Omega \mathrm{div}\,\vec{a}\,dxdydz=\iiint_\Omega (z^2+x^2+y^2)\,dxdydz.$$

Уч ўлчовли интегрални ҳисоблаш учун қуйидаги формулалар ёрдамида сферик координаталарга ўтамиз:

$$x=r\sin\theta\cos\varphi,\ y=r\sin\theta\sin\varphi,\ z=r\cos\theta,$$
$$dxdydz=r^2\sin\theta dr d\varphi d\theta,$$
$$0\leqslant r\leqslant a,$$
$$0\leqslant\varphi\leqslant 2\pi,$$
$$0\leqslant\theta\leqslant\pi.$$

У холда

$$\Pi=\iiint\limits_{\Omega} r^4\sin\theta dr d\varphi d\theta=\int\limits_0^a r^4dr\int\limits_0^\pi\sin\theta d\theta\int\limits_0^{2\pi}d\varphi=\frac{4a^5\pi}{5}.$$

2- дарсхона топшириғи

1. $\vec{a}=(x-3z)\vec{i}+(x+2y+z)\vec{j}+(4x+y)\vec{k}$ вектор майдоннинг $x+y+z=2$ текисликнинг биринчи октантда ётган юқори қисми бўйича оқимини ҳисобланг. Ж: $\frac{26}{3}$.

2. $\vec{a}=8x\vec{i}+11y\vec{j}+17z\vec{k}$ вектор майдоннинг $x+2y+3z=1$ текисликнинг биринчи октантда жойлашган қисми бўйича оқимини ҳисобланг. Нормал Oz ўқи билан ўткир бурчак ҳосил қилади. Ж: 1.

3. $\vec{a}=(xy+z^2)\vec{i}+(yz+x^2)\vec{j}+(zx+y^2)\vec{k}$ вектор майдоннинг $M(1,3,-5)$ нуқтадаги дивергенциясини ҳисобланг. Ж: -1.

4. $\vec{a}=(x-y)\vec{i}+(x+y)\vec{j}+z^2\vec{k}$ вектор майдоннинг $x^2+y^2=1$, $z=0$ ва $z=2$ сиртлар билан чегараланган цилиндрик жисм сирти бўйича ташқи нормал йўналишида оқимини ҳисобланг. Ж: -4π.

2- мустақил иш

1. Вектор майдоннинг дивергенциясини топинг.

а) $\vec{a}\approx xy^2\vec{i}+x^2y\vec{j}+z^3\vec{k}$, $M(1,-1,3)$ нуқтада;

б) grad u, бу ерда $u=\ln(x^2+y^2+z^2)$;

в) grad $\sqrt{x^2+y^2+z^2}$.

2. Вектор майдоннинг П оқимини ҳисобланг:

а) $\vec{a}=x\vec{i}+3y\vec{j}+2z\vec{k}$ нинг $x+y+z=1$ текисликнинг биринчи октантда ётган юқориги қисми бўйича;

б) $\vec{a}=3x\vec{i}-y\vec{j}-z\vec{k}$ нинг $9-z=x^2+y^2$, $x=0$, $y=0$, $z=0$ текисликлар билан чегараланган бирор жисм бўйича ташқи нормал йўналишида;

в) $\vec{a}=2x\vec{i}+z\vec{k}$ нинг $z=3x^2+2y^2$, $x^2+y^2=4$, $z=0$ сиртлар бўйича чегараланган сиртга ташқи нормал бўйича.

Ж: а) 1; б) $\frac{81\pi}{8}$; в) 20.

3- §. Вектор майдонидаги чизиқли интеграл. Циркуляция. Вектор майдон ротори. Стокс теоремаси. Циркуляцияни ҳисоблаш.

$\vec{a}=\{P,Q,R\}$ векторнинг L эгри чизиқ бўйича *чизиқли интеграли* деб бу L эгри чизиқ бўйича вектор майдон бажарган ишни аниқловчи ушбу эгри чизиқли интегралга айтилади:

$$\int\limits_L Pdx+Qdy+Rdz=\int\limits_L\vec{a}\cdot d\vec{r}.$$

Агар L контур ёпиқ бўлса, чизиқли интеграл $\vec{a}$ вектор майдоннинг бу контур бўйича *циркуляцияси* дейилади.

Ёпиқ эгри чизиқ L фазода бирор σ сиртни чегаралаган бўлиб, бу сиртда $\vec{a}=\{P,Q,R\}$ вектор берилган бўлсин, у ҳолда циркуляция ва сирт интегралини боғловчи ушбу *Стокс формуласи* ўринлидир:

$$\oint\limits_L Pdx+Qdy+Rdz=\iint\limits_\sigma\left(\left(\frac{\partial R}{\partial y}-\frac{\partial Q}{\partial z}\right)\cos\alpha+\right.$$
$$\left.+\left(\frac{\partial P}{\partial z}-\frac{\partial R}{\partial x}\right)\cos\beta+\left(\frac{\partial Q}{\partial x}-\frac{\partial P}{\partial y}\right)\cos\gamma\right)d\sigma,$$

бу ерда $\vec{n}^0=\{\cos\alpha,\ \cos\beta,\ \cos\gamma\}$ — интеграллаш бажарилаётган σ сирт томони нормалининг бирлик вектори, бунда σ сиртнинг шу томони бўйича L контурни айланиб ўтиш мусбат бўлиши керак.

Грин формуласи Стокс формуласининг L эгри чизиқ ва σ сирт Oxy текисликда ётган ҳолдаги хусусий ҳолидир.

$\vec{a}=\{P,Q,R\}$ вектор майдоннинг *ротори* ёки *уюрмаси* деб ушбу

$$\mathrm{rot}\,\vec{a}=\left(\frac{\partial R}{\partial y}-\frac{\partial Q}{\partial z}\right)\vec{i}+\left(\frac{\partial P}{\partial z}-\frac{\partial R}{\partial x}\right)\vec{j}+\left(\frac{\partial Q}{\partial x}-\frac{\partial P}{\partial y}\right)\vec{k}=$$
$$=\begin{vmatrix}\vec{i} & \vec{j} & \vec{k}\\ \frac{\partial}{\partial x} & \frac{\partial}{\partial y} & \frac{\partial}{\partial z}\\ P & Q & R\end{vmatrix}$$

векторга айтилади.

Вектор шаклида Стокс формуласи қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\oint\limits_L\vec{a}d\vec{r}=\iint\limits_\sigma\vec{n}^0\cdot\mathrm{rot}\,\vec{a}d\sigma$$

Вектор майдони роторининг баъзи хоссалари:

а) $\mathrm{rot}(\vec{a}\pm\vec{b})=\mathrm{rot}\,\vec{a}\pm\mathrm{rot}\,\vec{b}$;

б) $\mathrm{rot}\,\vec{c}=\vec{0}$, бу ерда $\vec{c}$ — доимий (ўзгармас) вектор;

в) $\mathrm{rot}(\varphi\vec{a})=\varphi\,\mathrm{rot}\,\vec{a}+\mathrm{grad}\,\varphi\cdot\vec{a}$, бу ерда $\varphi=\varphi(x,y,z)$ скаляр функция.

1-мисол. $\vec{v}=\vec{w}\times\vec{r}$ чизикли тезлик вектор майдонининг фазонинг ихтиёрий $M(x, y, z)$ нуктасидаги роторини топинг.

Ечиш. Чизикли тезлик вектори $\vec{v}$ ни ҳисоблаймиз:

$$v=\vec{w}\times\vec{r}=\begin{vmatrix}\vec{i} & \vec{j} & \vec{k}\\ w_x & w_y & w_z\\ x & y & z\end{vmatrix}=(w_y z-w_z y)\vec{i}+$$

$$+(w_z x-w_x z)\vec{j}+(w_x y-w_y x)\vec{k}.$$

Демак,

$$\mathrm{rot}\vec{v}=2w_x\vec{i}+2w_y\vec{j}+w_z\vec{k}=2\vec{w}.$$

2-мисол. $\vec{a}=y\vec{i}+x^2\vec{j}-z\vec{k}$ вектор майдонининг L: $x^2+y^2=4$, $z=3$ айлана бўйича бирлик вектор $\vec{k}$ га нисбатан айланиб ўтишнинг мусбат йўналишда циркуляциясини икки усул билан:

а) циркуляция таърифидан фойдаланиб;

б) Стокс формуласидан фойдаланиб ҳисобланг.

Ечиш. Чизма чизиб, унда нормалнинг бирлик вектор $n^0=\vec{k}$ йўналишини ва контурни айланиш йўналишини кўрсатамиз (62- шакл).

а) Айлананинг параметрик тенгламалари:

$$x=2\cos t,\ y=2\sin t,\ z=3,\ 0\leqslant t\leqslant 2\pi.$$

Изланаётган C циркуляцияни таърифдан фойдаланиб топамиз:

$$C=\oint_n y dx+x^2dy-zdz=\int_0^{2\pi}[2\sin t(-2\sin t dt)+$$



Шакл- 62

$$+4\cos^2 t\cdot 2\cos t dt-3\cdot 0]=8\int_0^{2\pi}\cos^3 t dt-$$

$$-4\int_0^{2\pi}\sin^2 t dt=8\int_0^{2\pi}(1-\sin^2 t)\ d\ (\sin t)-$$

$$-2\int_0^{2\pi}(1-\cos 2t)dt=8\ (\sin t-\frac{1}{3}\sin^3 t)\ \Big|_0^{2\pi}-$$

$$-2\Big(t-\frac{1}{2}\sin 2t\Big)\Big|_0^{2\pi}=-4\pi.$$

б) Шартга кўра: $\vec{n}^0=\vec{k}$, $\mathrm{rot}\vec{a}=(2x-1)\vec{k}$. Сток формуласига кўра:

$$C=\iint_{\sigma}\mathrm{rot}\vec{a}\cdot\vec{n}^0 d\sigma=\iint_{\sigma_{xy}}(2x-1)dxdy=\iint_{\sigma_{xy}}(2r\cos\varphi-1)rdrd\varphi=$$

$$=\int_0^{2\pi}d\varphi\int_0^2(2r\cos\varphi-1)rdr=\int_0^{2\pi}\Big(\frac{1}{3}r^3\cos\varphi-\frac{1}{2}r^2\Big)\Big|_0^2 d\varphi=$$

$$=\int_0^{2\pi}\Big(\frac{8}{3}\cos\varphi-2\Big)d\varphi=\Big(\frac{8}{3}\sin\varphi-2\varphi\Big)\Big|_0^{2\pi}=-4\pi.$$

(Икки ўлчовли интегрални ҳисоблашда кутб координаталарига ўтилди.)

3- дарсхона топшириғи

1. $\vec{a}=xyz\vec{i}+(x+y+z)\vec{j}+(x^2+y^2+z^2)\vec{k}$ вектор майдонинг $M(1, -1, 2)$ нуктадаги роторини топинг. Ж: $\mathrm{rot}\vec{a}=-3\vec{i}-3\vec{j}-\vec{k}$.

2. $\vec{a}=y\vec{i}-2z\vec{j}+x\vec{k}$ вектор майдоннинг бир паллали $2x^2-y^2+z^2=R^2$ гиперболоидни $y=x$ текислик кесишидан ҳосил бўлган эллипс бўйича циркуляциясини топинг. Натижани Стокс формуласи ёрдамида текширинг. Ж: $\pm 3\pi R^2$.

3. $\vec{a}=zy^2\vec{i}+xz^2\vec{j}+yx^2\vec{k}$ вектор майдоннинг $x=y^2+z^2$ параболоидни $x=9$ текислик билан кесишиш контури бўйича $\vec{n}^0=\vec{i}$ ортга нисбатан мусбат айланиб ўтишдаги циркуляциясини ҳисобланг. Ж: 729π.

4. $\vec{a}=-y\vec{i}+2\vec{j}+\vec{k}$ вектор майдоннинг $x^2+y^2-z^2=0$ конуснинг $z=1$ текислик билан кесишиш чизиғи L бўйича $\vec{n}^0=\vec{k}$ ортга нисбатан мусбат айланиб ўтишдаги циркуляциясини ҳисобланг. Ж: π.

3- мустақил иш

1. $\vec{a}=y\vec{i}-x\vec{j}+z\vec{k}$ вектор майдоннинг $x^2+y^2+z^2=4$ сферанинг $\sqrt{x^2+y^2}=z$ конус билан кесишиш чизиғи L бўйича $\vec{n}^0=\vec{k}$ ортга нисбатан мусбат айланиб ўтишдаги циркуляциясини ҳисобланг.

2. $\vec{a}=yz\vec{i}+2xz\vec{j}+y^2\vec{k}$ вектор майдоннинг $z=\sqrt{25-x^2-y^2}$ ярим сферанинг $x^2+y^2=16$ цилиндр билан кесишиш чизиғи L бўйича $\vec{n}^0=\vec{k}$ ортга нисбатан мусбат йўналишда айланиб ўтишдаги циркуляциясини ҳисобланг.

3. $\vec{a}=(x-y)\vec{i}+x\vec{j}-z$[illegible] вектор майдоннинг $x^2+y^2=1$ цилиндрнинг $z=2$ текислик билан кесишиш чизиғи L бўйича $\vec{n}^0=\vec{k}$ бўлгандаги циркуляциясини ҳисобланг.

4-§. Потенциал майдон. Потенциал майдондаги чизиқли интеграл. Гамильтон ва Лаплас операторлари

12.4.1. Агар фазонинг бир боғламли Ω соҳасининг ҳар бир нуқтасида $\mathrm{rot}\vec{a}=\vec{0}$ бўлса, $\vec{a}=\{P,\ Q,\ R\}$ вектор майдон Ω соҳада *потенциал* ёки *уюрмасиз майдон* дейилади.

$\mathrm{rotgrad}u=0$ бўлгани учун исталган $u=u(x,\ y,\ z)$ скаляр майдоннинг градиенти ҳосил қилган вектор майдон ҳар доим потенциалдир. $\vec{a}$ майдон Ω соҳада потенциал бўлиши учун икки марта узлуксиз дифференциалланувчи $u=u(x,y,z)$ скаляр функция мавжуд бўлиши зарур ва етарли бўлиб, унинг учун $\vec{a}=\mathrm{grad}u$ бўлиши керак. $u=u(x,y,z)$ функция $\vec{a}$ майдоннинг *потенциали* (ёки *потенциал функцияси*) дейилади.

$\vec{a}=\{P,\ Q,\ R\}$ потенциал майдон учун потенциални топишнинг ушбу формуласи ўринлидир:

$$u(x,y,z)=\int\limits_{M_0M} P(x,y,z)dx+Q(x,y,z)dy+R(x,y,z)dz+C,$$

бу ерда $M_0(x_0,\ y_0,\ z_0)$ — Ω соҳанинг бирорта тайин нуқтаси, $M(x,\ y,\ z)$ — соҳанинг ихтиёрий нуқтаси, C — ихтиёрий ўзгармас.

Бу формуладан интеграллаш йўлига боғлиқ бўлмаган иккинчи тур эгри чизиқли интегрални ҳисоблаш формуласи ҳам келиб чиқади:

$$\int\limits_{AB} Pdx+Qdy+Rdz=u(B)-u(A)\ ,$$

бу ерда $u(A)$ ва $u(B)$ потенциалнинг йўлнинг бошланғич A ва охирги B нуқталаридаги қийматлари.

Агар фазонинг Ω соҳасидаги ҳар бир нуқтада $\mathrm{div}\vec{a}=0$ бўлса, $\vec{a}$ вектор майдон бу соҳада *соленоидли* ёки *найчасимон майдон* дейилади. $\mathrm{divrot}\vec{a}=0$ бўлгани учун исталган $\vec{a}$ вектор майдоннинг ротор майдони соленоидли майдон бўлади.

Агар фазонинг Ω соҳасида $\vec{a}$ вектор майдон бир вақтнинг ўзида ҳам потенциал, ҳам соленоидли бўлса, яъни Ω соҳанинг ҳар қайси нуқтасида $\mathrm{div}\vec{a}=0$, $\mathrm{rot}\vec{a}=0$ бўлса, $\vec{a}$ вектор майдон Ω соҳада *гармоник майдон* дейилади. Гармоник майдоннинг u потенциали

$$\frac{\partial^2u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2u}{\partial y^2}+\frac{\partial^2u}{\partial z^2}=0$$

Лаплас тенгламасининг ечимидан иборатдир. Лаплас тенгламасини қаноатлантирувчи $u=u(x,\ y,\ z)$ функция *гармоник функция* дейилади.

1-мисол. $\vec{a}=\{2xy+z,\ x^2-2y,\ x\}$ векторнинг майдони потенциал, лекин соленоидли эмаслигини кўрсатинг. Берилган майдоннинг потенциали u ни топинг.

Ечиш. Қуйидагига эгамиз:

$P=2xy+z,\ Q=x^2-2y,\ R=x$, шунинг учун:

$$\mathrm{rot}\vec{a}=\begin{vmatrix}\vec{i} & \vec{j} & \vec{k}\\ \dfrac{\partial}{\partial x} & \dfrac{\partial}{\partial y} & \dfrac{\partial}{\partial z}\\ P & Q & R\end{vmatrix}=\begin{vmatrix}\vec{i} & \vec{j} & \vec{k}\\ \dfrac{\partial}{\partial x} & \dfrac{\partial}{\partial x} & \dfrac{\partial}{\partial z}\\ 2xy+z & x^2-2y & x\end{vmatrix}=$$

$=\vec{i}\,(0-0)-\vec{j}\,(1-1)+(2x-2x)\vec{k}=0$, яъни $\vec{a}$ — потенциал майдон.

$\vec{a}$ вектор девергенциясини топамиз:

$$\mathrm{div}\vec{a}=\frac{\partial P}{\partial x}+\frac{\partial Q}{\partial y}+\frac{\partial R}{\partial z}=2y-2+0\neq 0\ ,$$

бинобарин, $\vec{a}$ — соленоидли майдон эмас. Берилган $\vec{a}$ майдон потенциали u ни қуйидаги формуладан аниқлаймиз:

$$u(x,y,z)=\int\limits_{M_0M} Pdx+Qdy+Rdz+C\ ,$$

чизиқли интеграл бошланғич $M_0\ (x_0,\ y_0,\ z_0)$ ва охирги $M(x,\ y,\ z)$ нуқтага боғлиқ. Аниқ интегралга ўтиб топамиз:

$$u(x,y,z)=\int\limits_{x_0}^{x}P(x,y,z)dx+\int\limits_{y_0}^{y}Q(x_0,y,z)dy+\int\limits_{z_0}^{z}R(x_0,y_0,z)dz+C\ .$$

Мазкур ҳолда $M_0(x_0,\ y_0,\ z_0)$ нуқта сифатида координаталар боши $O(0,\ 0,\ 0)$ ни олиш мумкин. Шундай қилиб,

$$u(x,y,z)=\int\limits_{OM}(2xy+z)dx+(x^2-2y)dy+xdz+C=$$

$$=\int\limits_0^x(2xy+z)dx+\int\limits_0^y(-2y)dy+\int\limits_0^z 0dz+C=(x^2y+xz)\big|_0^x-$$

$$-y^2\big|_0^y+C=x^2y+xz-y^2+C\ .$$

2-мисол. $\vec{a}=\{yz-xy,\ xz-\dfrac{x^2}{2}+yz^2,\ xy+y^2z\}$ майдон потенциал ёки потенциал эмаслигини текширинг, унинг потенциалини топинг ҳамда $A\ (1,\ 1,\ 1)$ ва $B\ (2,\ -2{,}3)$ нуқталарни туташтирувчи чизиқ бўйича мос чизиқли интегрални ҳисобланг.

Е ч и ш. Берилишига кўра:

$$P=yz-xy,\ Q=xz-\frac{x^2}{2}+yz^2,\ R=xy+y^2z\ ,$$

шунинг учун

$$\operatorname{rot}\vec{a}=\begin{vmatrix} \vec{i} & \vec{j} & \vec{k} \\ \frac{\partial}{\partial x} & \frac{\partial}{\partial y} & \frac{\partial}{\partial z} \\ yz-xy & xz-\frac{x^2}{2}+yz^2 & xy+y^2z \end{vmatrix}=$$

$$=(x+2yz-x-2yz)\vec{i}+(y-y)\vec{j}+(z-x-z+x)\vec{k}=0$$

демак, $\vec{a}$ — потенциал майдон, бинобарин, унинг потенциал мавжуд. Уни олдинги мисолдагига ўхшаш топамиз:

$$u(x,y,z)=\int_0^x(yz-xy)\,dx+\int_0^y yz^2dy+\int_0^z 0dz+C=$$

$$=\left(xyz-\frac{x^2y}{2}\right)\Big|_0^x+\frac{1}{2}y^2z^2\Big|_0^y+C=xyz-\frac{x^2y}{2}+\frac{y^2z^2}{2}+C\,.$$

Шундай қилиб,

$$u(x,y,z)=xyz-\frac{x^2y}{2}+\frac{y^2z^2}{2}+C\,.$$

Потенциал майдонда чизиқли интеграл A ва B нуқталарни туташтирувчи йўлга боғлиқ бўлмайди, шунинг учун уни

$$\int_{AB} Pdx+Qdy+Rdz=u(B)-u(A)$$

формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$\int_{AB}(yz-xy)\,dx+\left(xz-\frac{x^2}{2}+yz^2\right)dy+(xy+y^2z)\,dz=$$

$$=u(B)-u(A)=\left(2\cdot(-2)\cdot 3-\frac{2^2(-2)}{2}+\frac{(-2)^2\cdot 3^2}{2}\right)-$$

$$-\left(1\cdot 1\cdot 1-\frac{1^2\cdot 1}{2}+\frac{1^2\cdot 1^2}{2}\right)=9\,.$$

12.4.2. Вектор анализнинг асосий тушунчалари (градиент дивергенция, ротор) ни *Гамильтон оператори* деб аталувчи

$$\nabla=\frac{\partial}{\partial x}\vec{i}+\frac{\partial}{\partial y}\vec{j}+\frac{\partial}{\partial z}\vec{k}$$

дифференциал оператор (символик ∇ вектор каби белгиланувчи ва «набла» деб ўқилувчи) ёрдамида тавсифлаш қулай.

Векторни скалярга кўпайтириш, иккита векторнинг скаляр ва вектор кўпайтмалари каби маълум операциялардан фойдаланиб, асосий дифференциал амалларни ∇ оператори ёрдамида ёзамиз:

$$\operatorname{grad}u=\vec{i}\,\frac{\partial u}{\partial x}+\vec{j}\,\frac{\partial u}{\partial y}+\vec{k}\,\frac{\partial u}{\partial z}=\nabla u\,,$$

$$\operatorname{div}\vec{a}=\frac{\partial P}{\partial x}+\frac{\partial Q}{\partial y}+\frac{\partial R}{\partial z}=\nabla\cdot\vec{a}\,,$$

$$\operatorname{rot}\vec{a}=\begin{vmatrix} \vec{i} & \vec{j} & \vec{k} \\ \frac{\partial}{\partial x} & \frac{\partial}{\partial y} & \frac{\partial}{\partial z} \\ P & Q & R \end{vmatrix}=\nabla\times\vec{a}\,.$$

Келтириб ўтилган амаллар *биринчи тартибли дифференциал амаллар* дейилади. Гамильтон оператори ёрдамида вектор анализининг мураккаб ифодалари устида дифференциал амалларни (иккита ёки кўпроқ скаляр функциялар кўпайтмаси, скаляр функциянинг векторга кўпайтмаси, векторларнинг вектор кўпайтмалари ва ҳ. к.) бажариш қулай. Бунда фақат шуни эсда сақлаш лозимки, бу оператор дифференциаллаш операторидир ва кўпайтмани дифференциаллаш қоидасини билиш керак.

3- м и с о л. Иккита скаляр функция u ва v кўпайтмасининг градиентини топинг.

Е ч и ш. Қуйидагига эгамиз:

$$\operatorname{grad}\ u\cdot v=\nabla uv=u\nabla v+v\nabla u$$

ёки

$$\operatorname{grad}\ uv=u\operatorname{grad}v+v\operatorname{grad}u.$$

12.4.3. Иккинчи тартибли бешта дифференциал амални ёзиш мумкин:

$$\operatorname{div}\operatorname{grad}u=\nabla\cdot\nabla u=\nabla^2u=\Delta u,$$

бу ерда

$$\Delta=\frac{\partial^2}{\partial x^2}+\frac{\partial^2}{\partial y^2}+\frac{\partial^2}{\partial z^2}=\nabla^2$$

ифода Лаплас оператори дейилади:

$$\operatorname{rot}\operatorname{grad}u=(\nabla\times\nabla)u;$$
$$\operatorname{div}\operatorname{rot}\vec{a}=\nabla\cdot(\nabla\times\vec{a});$$
$$\operatorname{grad}\operatorname{div}\vec{a}=\nabla(\nabla\vec{a});$$
$$\operatorname{rot}\operatorname{rot}\vec{a}=\nabla\times(\nabla\times\vec{a}).$$

Гамильтон оператори ∇ нинг вектор маъносидан $\operatorname{rot}\operatorname{grad}u=$ (иккита коллинеар векторнинг вектор кўпайтмасига эгамиз эканлиги ва $\operatorname{div}\operatorname{rot}\vec{a}=0$ (компланар векторларнинг аралаш кўпайт масига эгамиз) эканлиги келиб чиқади.

4-мисол. $u=\frac{1}{r}$ функция, бу ерда $r=\sqrt{x^2+y^2+z^2}$, гармони функция эканлигини ва $\vec{a}=\operatorname{grad}u$ — вектор майдон гармони эканлигини исбот қилинг.

Ечиш. Дастлаб берилган функция учун Лаплас тенгламаси $\frac{\partial^2u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2u}{\partial y^2}+\frac{\partial^2u}{\partial z^2}=0$ ёки $\Delta u=0$ ўринли эканини текширамиз. Бунин учун $\frac{\partial^2u}{\partial x^2}$, $\frac{\partial^2u}{\partial y^2}$, $\frac{\partial^2u}{\partial z^2}$ ва Δu ларни ҳисоблаймиз:

$$\frac{\partial u}{\partial x}=-\frac{x}{r^3},\ \frac{\partial u}{\partial y}=-\frac{y}{r^3},\ \frac{\partial u}{\partial z}=-\frac{z}{r^3};$$

$$\frac{\partial^2u}{\partial x^2}=-\frac{1}{r^3}+\frac{3x^2}{r^5};\ \frac{\partial^2u}{\partial y^2}=-\frac{1}{r^3}+\frac{3y^2}{r^5};\ \frac{\partial^2u}{\partial z^2}=-\frac{1}{r^3}+\frac{3z^2}{r^5};$$

$$\Delta u=-\frac{3}{r^3}+\frac{3(x^2+y^2+z^2)}{r^5}=-\frac{3}{r^3}+\frac{3}{r^3}=0.$$

Демак, $\Delta u=0$ Лаплас тенгламаси ўринли, бинобарин, берилга $u=\frac{1}{r}$ гармоник функция.

Мисолни ечишда давом этамиз. Топамиз:

$$\vec{a}=\operatorname{grad}u=\frac{\partial u}{\partial x}\vec{i}+\frac{\partial u}{\partial y}\vec{j}+\frac{\partial u}{\partial z}\vec{k}$$

ёки

$$\vec{a}=-\frac{1}{r^3}(x\vec{i}+y\vec{j}+z\vec{k}).$$

Маълумки, исталган u функция учун: $\operatorname{rot}\vec{a}=\operatorname{rot}\operatorname{grad}u=\vec{0}$, яъни нинг гармониклигини аниқлашнинг биринчи шарти бажарилган Иккинчи шарт: $\operatorname{div}\vec{a}=0$ ҳам бажарилади, чунки

$$\operatorname{div}\vec{a}=\operatorname{div}\operatorname{grad}u=\Delta u=0.$$

4-дарсхона топшириғи

1. $\vec{a}$ майдоннинг потенциал эканини кўрсатинг ва унинг потенциали u ни топинг:

а) $\vec{a}=\{2xy,\ x^2-2yz,\ -y^2\}$;
б) $\vec{a}=\{3x^2y-y^3,\ x^3+3xy^2\}$;
в) $\vec{a}=\{y+2,\ x+z,\ y+x\}$;
г) $\vec{a}=\{yz\cos xy,\ xz\cos xy,\ \sin xy\}$.

Ж: а) $u=x^2y-y^2z+C$;
б) $u=x^3y-xy^3+C$;
в) $u=xy+yz+xz+C$;
г) $u=z\sin xy+C$.

2. $\vec{a}=\{yz+1,\ xz,\ xy\}$ майдон потенциали u ни топинг ва $\int\limits_{(1,1,1)}^{(2,3,2)}(yz+1)\,dx+xz\,dy+xy\,dz$ чизиқли интегрални ҳисобланг.

Ж: $u=x+xyz+C$; 12.

3. Берилган функция гармоникми:

а) $u=\ln r$, бу ерда $r=\sqrt{x^2+y^2}$;
б) $u=r-x$, бу ерда $r=\sqrt{x^2+y^2}$;
в) $y=Ax+By+Cz+D$.

Ж: а) ҳа; б) йўқ; в) ҳа.

4-мустақил иш

$\vec{a}$ вектор майдоннинг потенциаллигини текширинг, унинг потенциалини топинг ва $\vec{a}$ вектордан A (ёй боши) ва B (ёй охири) нуқталарни туташтирувчи ёй чизиғи бўйлаб олинган чизиқли интеграл қийматини ҳисобланг:

1. $\vec{a}=\{2xyz,\ x^2z,\ x^2y\}$,
$A\ (1,\ -1,\ 2)$, $B\ (-2,\ 4,\ 2)$. Ж: 34.

2. $\vec{a}=\{x^2-2yz,\ y^2-2xz,\ z^2-2xy\}$,
$A\ (1,\ -1,\ 1)$, $B\ (-2,\ 2,\ 3)$. Ж: $\frac{92}{3}$.

3. $\vec{a}=\{2xy+z^2,\ 2xz+x^2,\ 2xz+y^2\}$,
$A\ (0,\ 1,\ -2)$, $B\ (2,\ 3,\ 1)$. Ж: 25.

9- намунавий ҳисоб топшириқлари

1. $u=u(x, y, z)$ скаляр майдоннинг M нуктадаги $\vec{l}$ векто йўналиши бўйича хосиласини топинг:

1.1. $u=(x^2+y^2+z^2)^{3/2}$, $\vec{l}=\vec{i}-\vec{j}+\vec{k}$, $M(1, 1, 1)$.

1.2. $u=x+\ln(z^2+y^2)$, $\vec{l}=-2\vec{i}+\vec{j}-\vec{k}$, $M(2, 1, 1)$.

1.3. $u=x^2y-\sqrt{xy+z^2}$, $\vec{l}=2\vec{j}-2\vec{k}$, $M(1, 5, -2)$.

1.4. $u=y\ln(1+x^2)-\mathrm{arctg}z$, $\vec{l}=2\vec{i}-3\vec{j}-2\vec{k}$, $M(0, 1, 1)$.

1.5. $u=x(\ln y-\mathrm{arctg}z)$, $\vec{l}=8\vec{i}+4\vec{j}+8\vec{k}$, $M(-2, 1, -1)$.

1.6. $u=\ln(3-x^2)+xy^2z$, $\vec{l}=-\vec{i}+2\vec{j}-2\vec{k}$, $M(1, 3, 2)$.

1.7. $u=\sin(x+2y)+\sqrt{xyz}$, $\vec{l}=4\vec{i}+3\vec{j}$, $M=\left(\frac{\pi}{2}, \frac{3\pi}{2}, 3\right)$.

1.8. $u=x^2y^2z-\ln(z-1)$, $\vec{l}=5\vec{i}-6\vec{j}+2\sqrt{5}\vec{k}$, $M(1, 1, 2)$.

1.9. $u=x^3+\sqrt{y^2+z^2}$, $\vec{l}=\vec{j}-\vec{k}$, $M(1, -3, 4)$.

1.10. $u=\frac{\sqrt{x}}{y}-\frac{yz}{x+\sqrt{y}}$, $\vec{l}=2\vec{i}+\vec{k}$, $M(4, 1, -2)$.

1.11. $u=\sqrt{xy}+\sqrt{9-z^2}$, $\vec{l}=-2\vec{i}+2\vec{j}-\vec{k}$, $M(1, 1, 0)$.

1.12. $u=2\sqrt{x+y}+y\,\mathrm{arctg}z$, $\vec{l}=4\vec{i}-3\vec{k}$, $M(3, -2, 1)$.

1.13. $u=z^2+2\mathrm{arctg}(x-y)$, $\vec{l}=\vec{i}+2\vec{j}-2\vec{k}$, $M(1, 2, -1)$.

1.14. $u=\ln(x^2+y^2)+xyz$, $\vec{l}=\vec{i}-\vec{j}+5\vec{k}$, $M(1, -1, 2)$.

1.15. $u=xy-\frac{x}{z}$, $\vec{l}=5\vec{i}+\vec{j}-\vec{k}$, $M(-4, 3, -1)$.

1.16. $u=\ln(x+\sqrt{y^2+z^2})$, $\vec{l}=-2\vec{i}-\vec{j}+\vec{k}$, $M(1, -3, 4)$.

3.18. Бир бирига боғлиқмас 3 та ўқ узишда ақалли бир марта нишонга теккизиш эҳтимоллиги 0,9984 га тенг. Битта ўқ узишда нишонга теккизиш эҳтимоллигини топинг.

3.19. Абонент тераётган телефон номерининг охирги рақамини эсидан чиқариб қўйди ва уни таваккалига терди. Унинг 2 тадан ортиқ бўлмаган муваффақиятсиз уриниш қилиши эҳтимоллигини топинг.

3.20. Битта ўқ узишда нишонга теккизиш эҳтимоллиги 0,2 га тенг. 8 та ўқ узилди. Нишонни яксон қилиш учун ҳеч бўлмаганда бир марта нишонга теккизиш етарли бўлса, нишоннинг яксон қилиниш эҳтимоллигини топинг.

3.21. Талаба имтиҳон саволларининг 25 тасидан 20 тасинигина тайёрлашга улгурди. Талабанинг таваккалига танлаган 4 та саволнинг камида 2 тасини билиш эҳтимоллигини топинг.

3.22. Овчи узоқлашиб бораётган нишонга қарата 3 марта ўқ узди. Нишонга тегиш эҳтимоллиги ўқ узишнинг бошида 0,8 га тенг, у кейинги ҳар бир ўқ узишда 0,1 га камаяди. Овчи:

а) учала ҳолда теккиза олмаслиги;

б) ақалли бир марта теккизиш;

в) икки марта теккизиш эҳтимоллигини топинг.

3.23. Имтиҳон билетида 3 та савол бор. Талабанинг биринчи ва иккинчи саволга жавоб бериш эҳтимоллиги 0,9 га, учинчи саволга эса 0,8 га тенг. Агар имтиҳонни топшириш учун:

а) ҳамма саволларга жавоб бериш керак;

б) ақалли 2 та саволга жавоб бериш керак бўлса, талабанинг имтиҳонни топшириш эҳтимоллигини топинг.

3.24. n та оқ ва m та қора шар бўлган қутидан 2 та шар олинади. Олинган шарлар турли рангда бўлиши эҳтимоллигини топинг.

3.25. Қутида 10 та оқ, 15 та қора, 20 та яшил ва 25 та қизил шар бор. Битта шар олинади. Олинган шар:

а) қизил, оқ ёки қора бўлиши;

б) яшил ёки қизил бўлиши;

в) оқ, қора ёки яшил бўлиши эҳтимоллигини топинг.

3.26. Танга 4 марта ташланади. Гербли томон роса икки марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

3.27. Заём облигацияларининг ярмиси ютуқли. Ақалли битта облигацияга 0,95 дан катта эҳтимоллик билан ютуқ чиқишига ишонч ҳосил қилиш учун нечта облигация сотиб олиш керак?

3.28. Яшикда 90 та яроқли ва 10 та яроқсиз деталь бор. Йиғувчи кетма-кет (қайтариб солмай) 10 та деталь олади. Олинган деталлар орасида:

а) яроқсизлари йўқлиги,

б) ҳеч бўлмаганда биттаси яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

3.29. Иккита ўйин соққасини неча марта ташланганда ақалли бир марта 12 очко тушишига 0,5 дан кам бўлмаган эҳтимоллик билан ишонч ҳосил қилиш мумкин?

3.30. Ўйин иккита ўйинчининг бири кетма-кет 2 партияни ютгунча давом этади (дуранг натижа ҳисобга олинмайди). Ҳар бир ўйинчининг партияни ютиши эҳтимоллиги 0,5 га тенг ва олдинги партиялар натижаларига боғлиқ эмас. Ўйин 6- партиягача тугаши эҳтимоллигини топинг.

4.1. 10 000 та қиймат келтирилган логарифмлар жадвалида битта хато кетган. Жадвалдан таваккалига олинган 100 та логарифм қиймати орасида ақалли битта хато қиймат борлиги эҳтимоллигини топинг.

4.2. Олти лампали (ҳамма лампалар ҳар хил) радиоприёмникнинг битта лампаси «куйиб» қолди. Приёмникни тузатиш учун занжирдаги элементдан таваккалига танланган лампани олиб аралаштирилади ва приёмник текшириб кўрилади. Приёмникнинг

а) битта лампани;

б) иккита лампани;

в) учта лампани алмаштиргандан сўнг одатдагидек ишлаб кетиши эҳтимоллигини топинг.

4.3. Тўрт овчи нишонга қарата маълум бир тартибда ўқ узишга келишиб олишди: навбатдаги овчи ундан олдинги овчи нишонга теккиза олмаган тақдирдагина ўқ узади. Ҳар бир овчининг нишонга текказиш эхтимоллиги бир хил бўлиб, 0,8 га тенг. Нишонга қарата:

а) битта;

б) иккита;

в) учта ўқ узилиш эҳтимоллигини топинг.

4.4. Рақамли қулф умумий ўқида тўртта диск бор. Ҳар бир диск рақамлар билан белгиланган олтита секторга бўлинган. Қулфни дисклардаги рақамлар маълум комбинация (у қулфнинг «сири»дан иборат) ташкил этгандагина очиш мумкин. Рақамларнинг ихтиёрий комбинациясини териб, қулфни очиш мумкинлиги эҳтимоллигини топинг.

4.5 Механизмга учта бир хил деталь киради. Агар механизмни йиғишда учала деталь ўрнига ўлчамлари чизмада белгиланганидан катта бўлган деталлар қўйилса, механизмнинг иши бузилади. Йиғувчида 5 таси катта ўлчамдаги 12 та деталь қолди. Агар йиғувчи деталларни таваккалига олса, бу деталлардан йиғилган механизмнинг нормал ишламаслик эҳтимоллигини топинг.

4.6. Корхонада яроқсиз маҳсулот умумий маҳсулотнинг ўртача 2 %ни ташкил этади. Яроқли маҳсулотнинг 95 % ини биринчи нав ташкил этади. Таваккалига олинган маҳсулот:

а) текширишдан ўтган маҳсулотдан олинган бўлса;

б) тайёрланган умумий маҳсулотдан олинган бўлса, унинг биринчи навли бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.7. Овчи узоқлашаётган нишонга қарата 2 марта ўқ узди. Отиш бошланганда нишонга тегиш эҳтимоллиги 0,8 га тенг, кейинги ҳар қайси ўқ узишда эса у 0,1 га камаяди. Овчининг:

а) ҳар иккала ҳолда ҳам нишонга текказа олмаслиги;

б) ақалли бир марта текказиш эҳтимоллигини топинг.

4.8. *«А»* ва *«В»* ҳодисалар қуйидагича: *«А»* ҳодиса — 4 та ўйин соққасини бир пайтда ташланганда ақалли битта бир тушиши; *«В»*ҳодиса — 2 та соққани 24 марта ташланганда ақалли бир марта 2 та бир тушиши. Бу ҳодисаларнинг қайси бири эҳтимоллироқ?

4.9. Ишчи тайёрлайдиган деталларнинг 8 %и яроқсиз. Синаб кўришга олинган деталлар орасида бирорта ҳам яроқсизи бўлмаслиги эҳтимоллигини топинг.

4.10. Иссиклик электростанциясида 15 смена муҳандислари бўлиб, уларнинг 3 таси аёллар. Сменада 3 киши туради. Таваккалига танланган сменада эркаклар 2 тадан кам бўлмаслиги эҳтимоллигини топинг.

4.11. 30 талабанинг ишлаб чиқариш амалиёти учун Тошкентда 15 та жой, Фарғонада 8 та жой, Олмалиқда 7 та жой ажратилган. Икки ўртоқнинг битта шаҳарда амалиёт ўтиши эҳтимоллигини топинг.

4.12. Қутида a дона оқ ва b дона қора шар бор. Қутидаги ҳамма шарлар бирин-кетин, тасодифий равишда олинади. Тартиб бўйича иккинчи олинган шарнинг оқ бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.13. Карталарнинг тўлиқ дастаси (52 та карта)дан бирваракайига 4 та карта олинади. Қуйидаги ҳодисалар қаралади:

«А» — олинган карталар ичида ҳеч бўлмаганда битта «ғиштин» бўлади;

«В» — олинган карталар ичида ҳеч бўлмаганда битта «қарға» бўлади.

$A+B$ ҳодисанинг эҳтимоллигини топинг.

4.14. Касаба уюшмаси ёзда дам олишга кетадиган болалар учун 15 та спорт лагерига, 9 та сайёҳлик лагерига ва 4 та соғломлаштириш лагерига йўлланмалар ажратди. Агар учта ўртоқнинг ота-оналари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда биттадан йўлланма олиб келган бўлсалар, бу уч ўртоқнинг битта лагерда дам олиши эҳтимоллигини топинг.

4.15. Биринчи қутида 5 та оқ, 11 та қора ва 8 та қизил шар, иккинчи қутида эса 10 та оқ, 8 та қора ва 6 та қизил шар бор. Ҳар иккала қутидан таваккалига биттадан шар олинади. Олинган шарлар бир хил рангда бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.16. Яшикда тўрт рангдаги ғалтак иплар бор: оқ — 50 %, қизил — 20 %, яшил — 20 %, кўк — 10 %. Таваккалига олинган ғалтакнинг яшил ёки кўк бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.17. Тайёрланаётган деталларнинг ўртача 3 %и яроқсиз. Синаш учун олинган 5 та деталнинг орасида бирорта ҳам яроқсизи бўлмаслиги эҳтимоллигини топинг.

4.18. Қутичада 30 % и оқ, қолганлари қизил ғалтак иплар аралаштирилиб қўйилган. Таваккалига олинган икки ғалтак ип бир хил рангда бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.19. Техник қаров станциясига 20 та машина келтирилди. Уларнинг 5 тасида юриш қисмида, 8 тасида моторда нуқсонлар бўлиб, 10 тасида ҳеч қандай нуқсон топилмади. Юриш қисмида нуқсони бўлган машинанинг моторида ҳам нуқсон борлиги эҳтимоллигини топинг.

4.20. 12 ўғил бола ва 18 қиз бола бор гуруҳдан 2 киши таваккалига танланди. Уларнинг

а) иккаласи ўғил бола;

б) қиз бола ва ўғил бола бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.21. Харидорга 41- ўлчамдаги пойафзал зарурлиги эҳтимоллиги 0,2 га тенг бўлсин. Дастлабки бешта харидорнинг 41- ўлчамдаги пойафзални сўраш эҳтимоллигини топинг.

4.22. 1 ва 2 деб белгиланган 2 та ўйин соққаси ташланди. Биринчи соққадаги очколарнинг иккинчи соққадаги очколардан катта бўлиши эҳтимоллигини топинг.

4.23. Ўйин соққасини ташланганда жуфт ёки учга каррали очко тушиши эҳтимоллигини топинг.

4.24. Ишчи 4 та станокка хизмат кўрсатади. Бир соат давомида биринчи станок ишчининг созлаш учун аралашувини талаб қилмаслик эҳтимоллиги 0,2 га тенг; иккинчи станок учун 0,25; учинчи станок учун 0,6 га, тўртинчи станок учун эса 0,4 га тенг. Бир соат давомида бирорта ҳам станокнинг ишчининг аралашувини талаб этмаслиги эҳтимоллигини топинг.

4.25. Талаба олий математикадан имтиҳонга тайёрланиши учун математик таҳлил фанидан 20 саволга ва геометриядан 25 та саволга жавоб тайёрлаши керак. Бироқ, у математик таҳлилдан 15 та, геометриядан 20 та саволга жавоб тайёрлай олди, холос. Билетда 3 та савол бор: 2 та таҳлилдан ва 1 та геометриядан.

а) талаба имтиҳонни аълога топшириши (учала саволга ҳам жавоб бериши);

б) яхшига топшириши (исталган иккита саволга жавоб бериши) эҳтимоллигини топинг.

4.26. Деталларга 3 босқичда ишлов берилади. Биринчи босқичда яроқсиз деталь олиш эҳтимоллиги 0,02 га, иккинчисида 0,03 га, учинчисида 0,02 га тенг. Айрим босқичларда яроқсиз деталь олиш боғлиқмас ҳодисалар деб фараз қилиб, 3 та босқичдан сўнг яроқли деталь олиш эҳтимоллигини топинг.

4.27. 1,2,3,4,5 рақамлардан биттаси, қолганларидан яна биттаси танланади. Тоқ сон танланган бўлиб, унинг

а) биринчи галда,

б) иккинчи галда,

в) иккала галда ҳам танланганлиги эҳтимоллигини топинг.

4.28. n-тартибли дитерминант ёйилмасининг битта ҳади таваккалига танланади. Танланган ҳадда бош диагональ элементлари бўлмаслиги эҳтимоллиги p_n ни топинг. $\lim\limits_{n\to\infty} P_n$ ни ҳисобланг.

4.29. Уч киши галма-галдан тангани ташлайди. Кимда биринчи бўлиб гербли томон тушса, ўша ютган ҳисобланади. Ҳар қайси ўйинчи учун ютиш эҳтимоллигини топинг.

4.30. Икки киши галма-галдан тангани ташлайди. Кимда биринчи бўлиб гербли томон тушса, ўша ютган ҳисобланади. Ҳар қайси ўйинчи учун ютиш эҳтимоллигини топинг.

5.1. Пластмасса ғўлалар учта прессда тайёрланади. I пресс барча ғўлаларнинг 50 % ини, II- 30 %, III- 20 % ини ишлаб чиқаради. Бунда I пресс ғўлаларининг 0,025, II нинг 0,02, III нинг 0,015 қисми ностандартдир. Тайёр ғўлалар ичидан таваккалига олингани стандарт бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.2. Пластмасса буюмлар учта автоматда таййёрланади: I автомат маҳсулотнинг 40 % ини, II-35 % ини, III-25 % ини ишлаб чиқаради. Бунда I автоматнинг 0,13, II-0,025, III-0,025 қисми ностандарт буюмлардир. Танланган стандарт буюм III автоматда тайёрланганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.3. Дўконга 4 лампочка заводида тайёрланган бир хил лампочкалар қабул қилиб олинди: I заводдан 350 дона, II дан 625 дона, III дан 245 дона ва IV дан 850 дона. Лампочкалар 1500 соатдан ортиқ вақт ёниши эҳтимоллиги I завод учун 0,25 га, II завод учун 0,30 га, III завод учун 0,40 га, IV завод учун 0,75 га тенг. Дўкон токчаларига лампочкалар аралаштириб териб чиқилади. Сотиб олинган лампочканинг 1500 соатдан кўп вақт ёниши эҳтимоллигини топинг.

5.4. Омборга 1000 та подшипник келтирилди. Уларнинг 260 таси I заводда, 400 таси II заводда ва 340 таси III заводда тайёрланган. Подшипникнинг ностандарт бўлиб чиқиши эҳтимоллиги I завод учун 0,08 га, II завод учун 0,025 га, III завод учун, 0,04 га тенг. Таваккалига олинган подшипник ностандарт бўлиб чиқди. Бу подшипникнинг I заводда тайёрланганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.5. Электр лампочкалари партиясининг 10 % и I заводда, 40 % и II заводда, 50 % и III заводда тайёрланган. Яроқсиз лампочка ишлаб чиқариш I завод учун 0,02, II завод учун 0,008, III завод учун 0,006. Таваккалига олинган лампочканинг яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.6. Соатлар учта заводда тайёрланади ва дўконга келтирилади. I завод маҳсулотнинг 40 % ини, II завод 45 % ини, III завод 15 % ини тайёрлайди. I завод тайёрлаган соатларнинг 90 % и, II завод соатларининг 70 % и, III завод соатларининг 90 % и илгарилаб кетади. Сотиб олинган соатнинг илгарилаб кетиши эҳтимоллигини топинг.

5.7. Иккита яшикда радиолампалар бор. Биринчи яшикда 12 лампа бўлиб, 1 таси яроқсиз, иккинчи яшикда 10 та лампочка бўлиб, уларнинг 1 таси яроқсиз. Биринчи яшикдан битта лампа олиниб, иккинчи яшикка солинади. Иккинчи яшикдан таваккалига олинган лампанинг яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.8. Биринчи жамоада 6 та спорт устаси ва 4 та биринчи разрядли спортчи, иккинчи жамоада 6 та биринчи разрядли спортчи ва 4 та спорт устаси бор. Бу жамоалар ўйинчиларидан тузилган терма жамоада 10 ўйинчи бор: 6 ўйинчи — биринчи жамоадан, 4 ўйинчи — иккинчи жамоадан. Терма жамоадан таваккалига бир ўйинчи танланади. Бу ўйинчининг спорт устаси бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.9. Ҳамма буюмлар иккита назоратчи томонидан текширилади. Буюмнинг текшириш учун биринчи назоратчига тушиши эҳтимоллиги 0,55 га, иккинчи назоратчига тушиши эҳтимоллиги 0,45 га тенг. Биринчи назоратчининг ностандарт буюмни ўтказиб юбориш эҳтимоллиги 0,01 га, иккинчи назоратчи учун 0,02 га тенг. Таваккалига «стандарт» тамғали буюм олинганда у яроқсиз бўлиб чиқди. Бу буюмнинг иккинчи назоратчи томонидан текширилганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.10. Йиғиш учун деталлар иккита станокда тайёрланиб, уларнинг биринчиси иккинчисига нисбатан 3 марта кўп деталь ишлаб чиқаради. Бунда биринчи станок ишлаб чиқарадиган деталларнинг 0,025, иккинчи станок учун 0,015 қисмини яроқсиз деталлар ташкил этади. Таваккалига йиғиш учун олинган битта деталь яроқли бўлиб чиқди. Бу деталнинг иккинчи станокда тайёрланган бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.11. 9 та бир хил ёпиқ кутининг ҳар бирида фақат ранглари билан фарқланувчи 10 тадан шар бор. 2 та қутида 5 тадан оқ шар бор, 3 қутида 4 тадан оқ шар бор ва 4 қутида 3 тадан оқ шар бор. Тугмачани босиш натижасида қайсидир қутидан оқ шар отилиб чикди. Бу кутида 3 та оқ шар бўлганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.12. 4 та мерган бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда битта нишонга биттадан ўқ уздилар. Бу мерганлар учун нишонга тегказиш эҳтимолликлари мос равишда 0,4; 0,6; 0,7; 0,8 га тенг. Отиш тугагандан сўнг нишондан учта ўқнинг изи топилди. Тўртинчи мерганнинг ўқи хато кетганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.13. Биринчи кутида 10 та шар бўлиб, уларнинг 8 таси оқ, иккинчи кутида 20 та шар бўлиб, 4 таси оқ. Ҳар қайси кутидан таваккалига биттадан шар олинди, сўнгра таваккалига бу шарларнинг бири олинди. Оқ шар олинганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.14. Талабаларнинг қурилиш отрядида 2 та бригада биринчи боскич талабаларидан, битта бригада эса иккинчи босқич талабаларидан тузилган. Биринчи босқичларнинг ҳар қайси бригадасида 5 йигит ва 3 қиз бор, иккинчи босқичларнинг бригадасида 4 йигит ва 4 қиз бор. Қуръа ташлаш билан отряд бригадаларининг бириdan шаҳарга бориш учун бир киши танланди.

а) Йигит танланганлиги эҳтимоллигини топинг.

б) Йигит танланган. Унинг биринчи босқич талабаси экани эҳтимоллигини топинг.

5.15. Омборда 3 та фабрикадан маҳсулот келади: биринчи фабриканинг маҳсулоти 20 % ни, иккинчи фабриканики 46 % ни, учинчи фабриканики 34 % ни ташкил этади. Ностандарт буюм ишлаб чиқариш 1-фабрика учун ўртача 3 % ни, 2-фабрика учун 2 % ни, 3-фабрика учун 1 % ни ташкил этади. Агар таваккалига олинган буюм ностандарт бўлса, унинг 1-фабрикада тайёрланганлик эҳтимоллигини топинг.

5.16. Имтиҳонга келган 10 талабанинг учтаси аъло, тўрттаси — яхши, иккитаси — ўртача ва биттаси — ёмон тайёргарликка эга. Имтиҳон билетларида 20 та савол бор. Аъло тайёргарликка эга талаба барча 20 та саволга, яхши тайёргарликка эга талаба 16 та саволга, ўртачаси 10 та саволга, ёмони 5 та саволга жавоб бериши мумкин. Таваккалига чақирилган талаба берилган 3 та исталган саволга жавоб берди. Бу талабанинг: а) аъло тайёргарликка; б) ёмон тайёргарликка эга эканлиги эҳтимоллигини топинг.

5.17. Радиолампа учта заводнинг ҳар биридан тегишли 0,25; 0,50; 0,25 эҳтимолликлар билан қабул қилинади. Бир йил ичида лампочкаларнинг ишдан чиқиш эҳтимоллиги 1-завод лампалари учун 0,1 га, иккинчи учун 0,2 га, учинчи учун 0,4 га тенг. Таваккалига танланган лампанинг бир йил ишлаши эҳтимоллигини топинг.

5.18. Бензин қуйиш шохобчаси олдидан енгил ва юк машиналари ўтиб туради. Уларнинг 60 % и юк машиналаридан иборат. Ўтиб кетаётган машинанинг бензин қуйиш шохобчасига кириб ўтиш эҳтимоллиги юк машинаси учун 0,1 га, енгил машина учун 0,2 га тенг. Шохобчага машина кириб келди. Унинг юк машинаси эканлиги эҳтимоллигини топинг.

5.19. Қурилишга 1000 дона ғишт келтирилди. Йўлда ғиштнинг синиш эҳтимоллиги 0,003 га тенг. Қурилишга: а) 2 тадан ортиқ синган ғишт: б) ақалли битта синган ғишт келтирилганлиги эҳтимоллигини топинг.

5.20. Спартакиадада 1-гуруҳдан 4 талаба, 2-гуруҳдан 6 талаба, 3-гуруҳдан 5 талаба қатнашмоқда. 1-гуруҳ талабаси институт терма жамоасига 0,9 эҳтимоллик билан қабул қилинади, 2-гуруҳ талабаси учун бу эҳтимоллик 0,7 га, 3-гуруҳ талабаси учун 0,8 га тенг. Таваккалига танланган талаба институт терма жамоасига қабул қилинди. Бу талабанинг қайси гуруҳда ўқиши эҳтимоллироқ?

5.21. Йиғилган электр занжирга I тур сақлагич қўйилиши мумкин, у кучланиш ортиб кетганда 0,8 эҳтимоллик билан ишлаб кетади ёки II тур сақлагич қўйилиши мумкинки, у ўша шароитда 0,9 эҳтимоллик билан ишлаб кетади. I тур сақлагич занжирга 0,6 эҳтимоллик билан, II тур сақлагич эса 0,4 эҳтимоллик билан уланиши мумкин. Занжирга уланган сақлагич ишга тушиб кетди. Қайси бири эҳтимоллироқ: I тур сақлагич қўйилганими ёки II тур сақлагич қўйилганими?

5.22. Ишчи бир хил деталларга ишлов бериладиган учта станокка хизмат кўрсатади. Яроқсиз деталь ишлаб чиқариш эҳтимоллиги 1-станок учун 0,02 га, 2-станок учун 0,03 га, учинчи станок учун — 0,04 га тенг. Ишлов берилган деталлар битта яшикка жойланади. 1-станокнинг унумдорлиги 2-станокка нисбатан уч марта юқори, 3-станокнинг унумдорлиги эса 2-станокнинг унумдорлигига нисбатан икки марта паст. Таваккалига олинган деталнинг яроқсиз бўлиб чиқиши эҳтимоллигини топинг.

5.23. Самолётга қарата учта ўқ узилди. 1-отишда мўлжалга тегиш эҳтимоллиги 0,5 га, 2-отишда 0,6 га, 3-отишда 0,8 га тенг. Битта ўқ текканда самолётнинг уриб туширилиш эҳтимоллиги 0,3 га, иккита ўқ текканда 0,6 га тенг, учта ўқ текканда эса самолётнинг уриб туширилиши аниқдир. Самолётнинг уриб туширилиши эҳтимоллигини топинг.

5.24. Учта станок конвейерга деталлар етказиб беради. 1-станок учун яроқсиз деталь чиқариш эҳтимоллиги 0,03 га, 2-станок учун 0,02 га, 3-станок учун 0,01 га тенг. 1-станокнинг унумдорлиги 2-станокникига нисбатан уч марта юқори. 3-станокники эса 2-станокникига нисбатан 2 марта юқори. Конвейердан таваккалига олинган деталнинг яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.25. Йиғув цехига деталлар 3 та автоматдан келтирилади. 1-автомат 0,3 %, 2-автомат — 0,2 %, 3-автомат 0,4 % яроқсиз деталь ишлаб чиқариши маълум. Агар 1-автоматдан 1000 та, 2-автоматдан 2000 та, 3-автоматдан 2500 та деталь келтирилган бўлса, йиғишга таваккалига олинган деталнинг яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.26. Йиғиш цехига деталлар 2 та бўлимдан келтирилади: I бўлимдан — 70 %, II бўлимдан — 30 %. Бунда I бўлим деталларининг 10 %и, II бўлимники эса 20 % и яроқсиз. Таваккалига олинган деталнинг яроқсиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.27. Электр лампочкалари партиясининг 20 % ини 1-заво 30 % ини 2-завод, 50 % ини 3-завод тайёрлаган. 1-завод учу яроксиз лампочка ишлаб чиқариш эҳтимоллиги 0,01 га, 2-завод учу 0,005 га, 3-завод учун 0,006 га тенг. Таваккалига олинга лампочканинг яроксиз бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.28. Омборга 1000та деталь келтирилди. Уларнинг 200 тас 1-заводда, 460 таси 2-заводда, 340 таси 3-заводда тайёрланга Деталнинг яроқсиз бўлиб чиқиши эҳтимоллиги 1-завод учун 0,03 га 2-завод учун 0,02 га, 3-завод учун эса 0,01 га тенг. Таваккалига олинган деталь яроқсиз бўлиб чиқди. Унинг 1-заводда тайёрланга бўлиши эҳтимоллигини топинг.

5.29. Дўконга 4 та лампа заводида тайёрланган бир хил электр лампочкалари келтирилди: 1-заводдан 250 та, 2-заводдан 525 та, 3-заводдан 275 та ва 4-заводдан 950 та. Лампочканинг 1500 соатдан кўп ёниши эҳтимоллиги 1-завод учун 0,15 га, 2-завод учун 0,30 га, 3-завод учун 0,20 га ва 4-завод учун 0,70 га тенг. Лампочкалар токчаларга жойлаштирилаётганда улар аралашиб кетди. Сотиб олинган лампочканинг 1500 соатдан ортиқ ёниши эҳтимоллигини топинг.

5.30. Пластмасса буюмлар учта станокда тайёрланади. I станок бутун маҳсулотнинг 50 % ини, II 30 % ини, III 20 % ни тайёрлайди. Бунда I станок буюмларининг 0,025 қисми, II нинг 0,02 қисми, III нинг 0,015 қисми яроқсиз. Стандартга жавоб берувчи буюмнинг II станокда тайёрланганлик эҳтимоллигини топинг.

6.1. Цехда 6 та мотор бор. Ҳар бир мотор учун унинг мазкур пайтда ишга туширилганлик эҳтимоллиги 0,8 га тенг. Мазкур пайтда а) 4 та мотор: б) ҳамма моторлар ишга туширилганлик эҳтимоллиги; в) барча моторлар ўчириб қўйилганлик эҳтимоллигини топинг.

6.2. Бир дона лотерея билетига ютуқ чиқиш эҳтимоллиги $\frac{1}{7}$ га тенг. 6 та билетга эга бўлиб: а) иккита билетга; б) учта билетга; в) ҳамма билетларга ютуқ чиқиши эҳтимоллигини топинг.

6.3. Бананлар ортилган учта кема келиши кутиляпти. Статистиканинг кўрсатишича келтирилаётган бананларнинг йўлда айниб қолиши 13 % ни ташкил этади. У ҳолда а) битта кеманинг; б) иккита кеманинг; в) учала кеманинг айниган маҳсулот билан келиши эҳтимоллигини топинг. Барча кемалардаги бананларнинг айнимаган бўлиши эҳтимоллиги нимага тенг?

6.4. Автобазада 12 та машина бор. Уларнинг ҳар бирининг йўлга чиқиш эҳтимоллиги 0,8 га тенг. Автобаза меъёрида ишлаши учун камида 8 та машина йўлда бўлиши керак бўлса, автобазанинг меъёрида ишлаши эҳтимоллигини топинг.

6.5. Телевизорнинг кафолат муддати ичида таъмирлашни талаб этиши эҳтимоллиги 0,2 га тенг. Кафолат муддати ичида 6 та телевизорнинг а) биттадан кўп бўлмагани; б) ақалли биттаси таъмирлашни талаб этиши эҳтимоллигини топинг.

6.6. Таваккалига олинган деталнинг ностандарт бўлиши эҳтимоллиги 0,1 га тенг бўлсин. Таваккалига олинган бешта

деталнинг иккитадан кўп бўлмагани ностандарт бўлиши эҳтимоллигини топинг.

6.7. 6 та болали оилада камида иккитаси қиз бола бўлиши эҳтимоллигини топинг. Ўғил бола туғилиши эҳтимоллигини 0,51 деб олинг.

6.8. Битта лотерея билетига ютуқ чиқиши эҳтимоллиги $\frac{1}{7}$ га тенг. Олтита билетнинг энг камида иккитасига ютуқ чиқиши эҳтимоллигини топинг.

6.9. Объектни яксон қилиш учун камида 3 марта нишонга тегиш керак. 15 та ўқ узилди. Ҳар қайси отишда нишонга тегиш эҳтимоллиги 0,4 га тенг бўлса, объектнинг яксон қилиниш эҳтимоллигини топинг.

6.10. Синаш пайтида ишламай қолиш эҳтимоллиги ҳар бир асбоб учун 0,4 га тенг. Қайси ҳодисанинг эҳтимоллиги катта: 4 та боғлиқмас синашда 2 та асбобнинг ишламай қолишими ёки 6 та боғлиқмас синашда 3 та асбобнинг ишламай қолишими?

6.11. Устахонада 8 та мотор ишлаяпти. Ҳар бир мотор учун тушликкача қизиб кетиш эҳтимоллиги 0,7 га тенг. Тушгача: а) 4 та моторнинг қизиб кетиши; б) барча моторларнинг қизиб кетиши; в) бирорта ҳам моторнинг қизиб кетмаслик эҳтимоллигини топинг.

6.12. Яшикда бир неча минг сақлагичлар бор. Уларнинг ярмисини 1-завод, қолганини 2-завод тайёрлаган. Таваккалига 5 та сақлагич олинди. Уларнинг: а) иккитаси; б) камида иккитаси; в) иккитадан кўпи 1-заводда тайёрланганлик эҳтимоллигини топинг.

6.13. Қайси бири эҳтимоллироқ: тенг кучли рақиб билан ўйнаб тўрт партиядан учтасини ютишми ёки саккиз партиядан камида бештасини ютишми (дуранг ҳисобга олинмайди)?

6.14. Ўйин соққасини 10 марта ташлаганда учга каррали очко икки мартадан кўп, лекин беш мартадан кам марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

6.15. Яшикдаги деталларнинг 40 % и 1-заводда, қолганлари 2-заводда тайёрланган. Яшикдан таваккалига 7 та деталь олинди. Уларнинг ичида: а) иккитаси; б) 3 тадан кўп бўлмагани; в) 2 тадан ортиғи 1-заводда тайёрланган бўлиши эҳтимоллигини топинг.

6.16. Ишчи 50 та дастгоҳга хизмат кўрсатади. 6 соатлик иш вақтида дастгоҳнинг созлашни талаб этиши эҳтимоллиги $\frac{1}{3}$ га тенг. Қайси бири эҳтимоллироқ:

а) 17 та дастгоҳ созлашни талаб этади;

б) 16 та дастгоҳ созлашни талаб этади.

6.17. Завод дўконга 5000 дона сифатли буюм жўнатди. Ҳар буюмнинг йўлда шикастланиш эҳтимоллиги 0,0002 га тенг. Йўлда 5000 буюмнинг: а) роса 3 таси; б) 3 тадан ортиғи шикастланиши эҳтимоллигини топинг.

6.18. Кинотеатрга 730 томошабин сиғади. а) 3 та томошабин бир кунда (масалан, 1 мартда) туғилганлиги; б) 3 тадан кўп бўлмаган томошабин бир кунда туғилганлиги эҳтимоллигини топинг.

6.19. Қурилишга 1000 дона ғишт келтирилди. Ташиш келтириш пайтида ғиштнинг синиш эҳтимоллиги 0,003 га тет Қурилишга: а) 2 тадан ортиқ синган ғишт келтирилганли б) камида битта синиқ ғишт келтирилганлик эҳтимоллигини топинг.

6.20. Чапақайлар ўртача 1 % ни ташкил этади. 200 тала орасида: а) роса 4 та; б) 4 тадан кам бўлмаган чапақай борли эҳтимоллигини топинг.

6.21. Дўконга 1000 шиша маъдан сув келтирилди. Келтири пайтида шиша идишнинг синиб қолиши эҳтимоллиги 0,003 га тен Дўконга: а) роса 2 та; б) 2 тадан кам синган шиша идиш келт рилганлиги эҳтимоллигини топинг.

6.22. Дарслик 10000 нусхада чоп этилди. Дарслик нусха нотўғри бетланганлик эҳтимоллиги 0,0001 га тенг. Ҳамма нус ичида роса 5 дона яроқсиз дарслик борлиги эҳтимоллигини топинг.

6.23. Беш болали оилада учтадан ортиқ қиз бола бўлмаслиг эҳтимоллигини топинг. (Ўғил бола туғилиши эҳтимоллиги 0,51 де олинг.)

6.24. Китоб саҳифасида хато учраши эҳтимоллиги 0,002 га тен 500 саҳифали китоб текширилмоқда. а) 2 саҳифада; б) 2 дан орти бўлмаган саҳифада хато учраши эҳтимоллигини топинг.

6.25. A ходисанинг рўй бериш эҳтимоллиги 0,4 га тенг. 10 т синовда A ходиса 3 тадан кўп бўлмаган ҳолда рўй бери эҳтимоллигини топинг.

6.26. Завод дўконга 6000 дона сифатли буюм жўнатди. Йўлд шикастланиш эҳтимоллиги ҳар бир буюм учун 0,00025 га тенг Жўнатилган 600 дона буюм орасида йўлда: а) роса 2 таси; б) 2 тада кўпи шикастланган бўлиши эҳтимоллигини топинг.

6.27. Кинотеатрга 1000 та томошабин сиғади. а) 2 та томоша биннинг бир кунда (масалан 1 мартда) туғилганлиги эҳтимоллиги б) 2 тадан кўп бўлмаган томошабиннинг бир кунда туғилганлиг эҳтимоллигини топинг.

6.28. Дарслик 40000 нусхада чоп этилган. Дарслик нусхасида камчилик бўлиш эҳтимоллиги 0,00015 га тенг. Бутун нусхада роса 6 дона камчилиги бор дарслик бўлиши эҳтимоллигини топинг.

6.29. A ходисанинг рўй бериш эҳтимоллиги 0,45 га тенг. 40 та синовда A ходиса 8 тадан кўп бўлмаган ҳолда рўй бериши эҳтимоллигини топинг.

6.30. Устахонада 9 та мотор ишлаяпти. Ҳар бир мотор учун тушгача қизиб кетиш эҳтимоллиги 0,6 га тенг. Тушгача: а) 3 та мотор қизиб кетиши эҳтимоллигини; б) ҳамма моторлар қизиб кетиши эҳтимоллигини; в) бирорта ҳам мотор қизиб кетмаслиги эҳтимоллигини топинг.

7.1. Тўпдан ўқ узишда битта ўқ узиб, нишонга текказиш эҳтимоллиги 0,8 га тенг. 900 та ўқ узилганда уларнинг камида 690 тасининг, кўпи билан 740 тасининг нишонга тегиши эҳтимоллигини топинг.

7.2. Болтлар йўнишда ўртача 10 % бракка йўл қўйилиш

қўйилади. 400 та болтдан иборат партияда 299 тадан ортиғи яроқли бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.3. Ҳаракатланаётган нишонга битта ўқ узишда текказиш эҳтимоллиги 0,7 га тенг. 20 та ўқ узилганда 15 тасининг нишонга тегиши эҳтимоллигини топинг.

7.4. Битта ўқ узишда нишонга текказиш эҳтимоллиги 0,4 га тенг. 320 та ўқ узилганда 100 тасининг нишонга тегиши эҳтимоллигини топинг.

7.5. Берилган ўсимлик уруғининг униб чиқувчанлиги 90 % ни ташкил этади. Экилган 800 та уруғнинг камида 700 тасининг униб чиқиши эҳтимоллигини топинг.

7.6. A ходисанинг 900 та боғлиқмас ходисаларнинг ҳар бирида рўй бериши эҳтимоллиги p 0,8 га тенг. A ходисанинг камида 710 марта, кўпи билан 740 марта рўй бериши эҳтимоллигини топинг.

7.7. A ходисанинг 900 та боғлиқмас ходисанинг ҳар бирида рўй бериши эҳтимоллиги p 0,8 га тенг. A ходисанинг: а) 750 марта; б) 710 марта рўй бериши эҳтимоллигини топинг.

7.8. Китоб саҳифасида хато бўлиши эҳтимоллиги 0,002 га тенг. 500 саҳифали китоб текширилади. Камида 3, кўпи билан 5 саҳифада хато бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.9. 100 та станок бир-бирига боғлиқ бўлмай ишлайди, бунда уларнинг ҳар бирининг 6 соат иш вақтида узлуксиз ишлаш эҳтимоллиги 0,8 га тенг. Олти соат иш вақтида камида 75 та, кўпи билан 85 та станокнинг узлуксиз ишлаши эҳтимоллигини топинг.

7.10. 100 та станок бир-бирига боғлиқ бўлмай ишлайди, бунда уларнинг ҳар бирининг 6 соат иш вақтида узлуксиз ишлаш эҳтимоллиги 0,8 га тенг. Олти соат иш вақтида 85 та станок узлуксиз ишлаши эҳтимоллигини топинг.

7.11. Фабрика 75 % биринчи нав маҳсулот чиқаради. 300 та маҳсулот ичидан биринчи навлилари сони камида 219 та ва кўпи билан 234 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.12. Ўйин соққаси 500 марта ташланади. Бунда бир очко камида 70 марта ва кўпи билан 83 марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

7.13. Танга 400 марта ташланади. Гербли томоннинг камида 204 марта ва кўпи билан 214 марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

7.14. Ҳар қайси ўнта деталнинг 9 таси стандартга жавоб беради. Олинган 50 та деталлар ичида стандартга жавоб берадиганлари сони камида 42 та, кўпи билан 48 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.15. Ўйин соққаси 500 марта ташланади. Бунда бир очконинг: а) 83 марта; б) 78 марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

7.16. Танга 400 марта ташланади. Бунда гербли томоннинг: а) 200 марта; б) 160 марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

7.17. Мерганнинг битта ўқ узиб нишонга текказиш эҳтимоллиги 0,75 га тенг. 100 марта ўқ узилганда нишонга: а) камида 70 ва кўпи билан 80 марта; б) кўпи билан 70 марта текказиш эҳтимоллигини топинг.

7.18. Агар ходисанинг ҳар бир синовда рўй бериш эҳтимоллиги 0,2 га тенг бўлса, 400 та синовда унинг 104 марта рўй бериши эҳтимоллигини тақрибан топинг.

7.19. Агар боғлиқмас 1000 та синовларнинг ҳар бирида A ходи 0,5 эҳтимоллик билан рўй берса, унинг камида 500 марта р беришн эҳтимоллигини топинг.

7.20. Агар боғлиқмас синовларнинг умумий сони 600 та бўли ходисанинг алоҳида синовларда рўй бериши эҳтимоллиги 0,6 га те бўлса, ходисанинг камида 342 ва кўпи билан 378 марта рўй бериш эҳтимоллигини топинг.

7.21. Тўпдан ҳар бир алоҳида ўқ узишда нишонга текказиш эҳтимоллиги 0,9 га тенг. 20 та ўқ узилганда нишонга тегишлар сон 16 дан кам, 19 дан ортиқ бўлмаслиги эҳтимоллигини топинг.

7.22. Қарбонит ғўлачаларни автоматик прессланганда ула умумий сонининг $\frac{2}{3}$ кисми тамғасиз бўлади. Таваккалига олинга 450 та ғўлача орасида тамғасизлари сони камида 280 та, кўпи била 320 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.23. Тўпдан ўқ узилганда нишон 0,8 эҳтимоллик билан яксо бўлади. 2000 та ўқ узилди. Бунда: а) камида 1200 марта, леки 1300 дан ортиқ бўлмаган марта нишонга тегиш; б) камид 1200 марта нишонга тегиш эҳтимоллигини топинг.

7.24. Агар уруғнинг униб чиқиш эҳтимоллиги 0,75 бўлса, экилга 500 уруғнинг 130 таси униб чиқмаслик эҳтимоллигини топинг.

7.25. Ўйин соққаси 80 марта ташланади. 3 рақами 20 март тушиши эҳтимоллигини аникланг. (Лапласнинг локал теоремасин қўлланг.)

7.26. Ҳар ўнта деталнинг 5 таси стандартга жавоб беради Олинган 50 та деталнинг стандартга жавоб берадиганлари сони камида 43 та, кўпи билан 49 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.27. Қарбонит ғўлачаларни автоматик прессланганда $\frac{2}{3}$ кисми тамғасиз бўлади. Таваккалига олинган 450 та ғўлача ичида тамғасизлари сони камида 300 та ва кўпи билан 310 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.28. Тўпдан ўқ узганда нишонга текказиш эҳтимоллиги 0,9 га тенг. 900 та ўқ узилганда нишонга тегишлар сони камида 700 та ва кўпи билан 720 та бўлиши эҳтимоллигини топинг.

7.29. 1000 та боғлиқсиз синовларнинг ҳар бирида A ходиса 0,1 эҳтимоллик билан рўй беради. A ходисанинг камида 100 та, кўпи билан 125 марта рўй бериши эҳтимоллигини топинг.

7.30. Ўйин соққаси 300 марта ташланади. Бир очко камида 60 марта ва ортиғи билан 70 марта тушиши эҳтимоллигини топинг.

8. Қуйида X дискрет тасодифий миқдор тақсимот қонуни билан берилган.

а) Тақсимот функцияси $F(x)$ ни топинг ва унинг графигини чизинг.

б) X дискрет тасодифий миқдорнинг сонли характеристикалари $M(X)$, $D(X)$, $\sigma(X)$ ларни ҳисобланг.

8.1.

X	52	56	57	60
P	0,1	0,3	0,4	0,2

8.2.

X	16	24	26	28
P	0,4	0,3	0,1	0,2

8.3.

X	14	18	23	29
P	0,2	0,1	0,3	0,4

8.4.

X	30	32	35	40
P	0,1	0,5	0,2	0,2

8.5.

X	12	14	16	20
P	0,1	0,5	0,3	0,1

8.6.

X	12	14	18	20
P	0,3	0,1	0,4	0,2

8.7.

X	35	39	42	46
P	0,1	0,3	0,2	0,4

8.8.

X	23	25	28	29
P	0,3	0,2	0,4	0,1

8.9.

X	17	27	29	28
P	0,2	0,4	0,3	0,1

8.10.

X	24	26	38	30
P	0,2	0,2	0,5	0,1

8.11.

X	25	27	30	32
P	0,2	0,4	0,3	0,1

8.12.

X	2	16	19	21
P	0,1	0,5	0,3	0,1

8.13.

X	45	47	50	52
P	0,2	0,4	0,3	0,1

8.14.

X	10	12	14	16
P	0,2	0,3	0,1	0,4

8.15.

X	18	22	23	26
P	0,2	0,3	0,4	0,1

8.16.

X	78	80	84	85
P	0,2	0,3	0,1	0,4

8.17.

X	21	25	26	31
P	0,1	0,4	0,2	0,3

8.18.

X	25	28	30	33
P	0,1	0,2	0,4	0,3

8,19.

X	56	58	60	64
P	0,2	0,3	0,4	0,1

8.20.

X	60	64	67	70
P	0,1	0,3	0,4	0,2

8.21.

X	31	34	37	40
P	0,3	0,5	0,1	0,1

8.22.

X	20	22	30	31
P	0,1	0,2	0,4	0,3

8.23.

X	17	20	23	27
P	0,1	0,4	0,3	0,2

8.24.

X	28	32	34	36
P	0,1	0,2	0,2	0,5

8.25.

X	37	41	43	45
P	0,2	0,1	0,5	0,2

8.26.

X	30	35	38	40
P	0,3	0,5	0,1	0,1

8.27.

X	15	20	28	24
P	0,1	0,4	0,3	0,2

8.28.

X	20	25	30	31
P	0,1	0,2	0,4	0,3

8.29.

X	10	25	20	26
P	0,4	0,3	0,1	0,2

8.30.

X	41	40	52	55
P	0,2	0,3	0,1	0,4

9.X тасодифий миқдор $F(x)$ тақсимот функцияси билан берилган бўлса, қуйидагиларни топинг:

а) зичлик функция $f(x)$ ни;

б) $M(X)$, $D(X)$, $\sigma(X)$ ва $P(0{,}3<X<0{,}7)$ларни.

9.1 $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x\leqslant 0, \\ x^2, \text{ агар } 0<x\leqslant 1, \\ 1 \text{ агар } x>1. \end{cases}$

9.2. $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x\leqslant 0, \\ x^3, \text{ агар } 0<x\leqslant 1, \\ 1, \text{ агар } x>1. \end{cases}$

9.3. $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x<0, \\ 3x^2+2x, \text{ агар } 0<x\leqslant \frac{1}{3}, \\ 1, \text{ агар } x>\frac{1}{3}. \end{cases}$

9.4. $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x\leqslant 1, \\ \frac{1}{2}(x^2-x), \text{ агар } 1<x\leqslant 2, \\ 1, \text{ агар } x>2. \end{cases}$

9.5. $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x\leqslant 0, \\ 0{,}2x, \text{ агар } 0<x\leqslant 5, \\ 1, \text{ агар } x>5. \end{cases}$

9.6. $F(x)=\begin{cases} 0, \text{ агар } x\leqslant -30, \\ \frac{x+30}{60}, \text{ агар } -30<x\leqslant 30, \\ 1, \text{ агар } x>30. \end{cases}$

9.7. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x}{a}\left(2-\frac{x}{a}\right), \text{ агар } 0<x\leqslant a,\\ 1, \text{ агар } x>a.\end{cases}$

9.8. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant \frac{\pi}{2},\\ 1-\sin x, \text{ агар } \frac{\pi}{2}<x\leqslant\pi,\\ 1, \text{ агар } x>\pi\end{cases}$

9.9. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -1,\\ \frac{3}{4}(x+1), \text{ агар } -1<x\leqslant \frac{1}{3},\\ 1, \text{ агар } x>\frac{1}{3}.\end{cases}$

9.10. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ 1-\cos x, \text{ агар } 0<x\leqslant\frac{\pi}{2},\\ 1, \text{ агар } x>\frac{\pi}{2}.\end{cases}$

9.11. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x}{7}, \text{агар } 0<x\leqslant 7,\\ 1, \text{ агар } x>7.\end{cases}$

9.12. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x^2}{36}, \text{ агар } 0<x\leqslant 6,\\ 1, \text{ агар } x>6.\end{cases}$

9.13. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x^2}{25}, \text{ агар } 0<x\leqslant 5,\\ 1, \text{ агар } x>5.\end{cases}$

9.14. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x^2}{16}, \text{ агар } 0<x\leqslant 4,\\ 1, \text{ агар } x>4.\end{cases}$

9.15. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{1-\cos x}{2}, \text{ агар } 0<x\leqslant\pi,\\ 1, \text{ агар } x>\pi.\end{cases}$

9.16. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -\frac{\pi}{6},\\ \frac{1}{2}+\frac{1}{2}\sin 3x, \text{ агар } -\frac{\pi}{2}<x\leqslant\frac{\pi}{6},\\ 1, \text{ агар } x>\frac{\pi}{6}.\end{cases}$

9.17. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -1,\\ \frac{x}{3}+\frac{1}{3}, \text{ агар } -1<x\leqslant 2,\\ 1, \text{ агар } x>2.\end{cases}$

9.18. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -\frac{\pi}{2},\\ 1+\sin x, \text{ агар } -\frac{\pi}{2}<x\leqslant 0,\\ 1, \text{ агар } x>0.\end{cases}$

9.19. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 1,\\ x-1, \text{ агар } 1<x\leqslant 2,\\ 1, \text{ агар } x>2.\end{cases}$

9.20. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant\frac{3\pi}{4},\\ \cos 2x, \text{ агар } \frac{3\pi}{4}<x\leqslant\pi,\\ 1 \text{ агар } x>\pi.\end{cases}$

9.21. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -\frac{\pi}{2},\\ \cos x, \text{ агар } -\frac{\pi}{2}<x\leqslant 0,\\ 1, \text{ агар } x>0.\end{cases}$

9.22. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x^2}{4}, \text{ агар } 0<x\leqslant 2,\\ 1, \text{ агар } x>2.\end{cases}$

9.23. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{x^2}{9}, \text{ агар } 0<x\leqslant 3,\\ 1, \text{ агар } x>3.\end{cases}$

9.24. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 2,\\ \frac{1}{2}x-1, \text{ агар } 2<x\leqslant 4,\\ 1, \text{ агар } x>4.\end{cases}$

9.25. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ 2\sin x, \text{ агар } 0<x\leqslant \frac{\pi}{6},\\ 1, \text{ агар } x>\frac{\pi}{6}.\end{cases}$

9.26. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \frac{2}{\sqrt{3}}\sin 3x, \text{ агар } 0<x\leqslant \frac{\pi}{9},\\ 1, \text{ агар } x>\frac{\pi}{9}.\end{cases}$

9.27. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant \frac{3\pi}{4},\\ \cos 2x, \text{ агар } \frac{3\pi}{4}<x\leqslant \pi,\\ 1, \text{ агар } x>\pi.\end{cases}$

9.28. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant -1,\\ \frac{1}{2}(x+1), \text{ агар } -1<x\leqslant 1,\\ 1, \text{ агар } x>1.\end{cases}$

9.29. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 0,\\ \sqrt[3]{x}, \text{ агар } 0<x\leqslant 1,\\ 1, \text{ агар } x>1.\end{cases}$

9.30. $F(x)=\begin{cases}0, \text{ агар } x\leqslant 3,\\ \ln\frac{x}{3}, \text{ агар } 3<x\leqslant 3e,\\ 1, \text{ агар } x>3e.\end{cases}$

15-боб

АСОСИЙ СОНЛИ УСУЛЛАР

1-§. Чизиқли тенгламалар системасини ечишнинг Жордано — Гаусс усули ва унинг татбиқи

15.1.1. Ушбу n та номаълумли n та чизиқли тенгламалар системаси берилган бўлсин:

$$\begin{cases}a_{11}x_1+a_{12}x_2+a_{13}x_3+a_{14}x_4+\ldots+a_{1n}x_n=b_1,\\ a_{21}x_1+a_{22}x_2+a_{23}x_3+a_{24}x_4+\ldots+a_{2n}x_n=b_2,\\ a_{31}x_1+a_{32}x_2+a_{33}x_3+a_{34}x_4+\ldots+a_{3n}x_n=b_3,\\ a_{41}x_1+a_{42}x_2+a_{43}x_3+a_{44}x_4+\ldots+a_{4n}x_n=b_4,\\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\\ a_{n1}x_1+a_{n2}x_2+a_{n3}x_3+a_{n4}x_4+\ldots+a_{nn}x_n=b_n.\end{cases}$$

Жордано — Гausснинг модификацияланган усулига кўра бу системани ечиш учун бирор a_{ik} $(i=\overline{1,n}, k=\overline{1,n})$ коэффициентни, масалан, $a_{11}\neq 0$ ни танлаймиз. У *ҳал қилувчи элемент* деб аталади. Системанинг биринчи тенгламасини a_{11} га бўлиб, хосил бўлган тенгламани кетма-кет a_{i1} $(i=\overline{1,n})$ ларга кўпайтириб, системанинг мос i-тенгламасини ундан айирсак, биринчи тенгламадан ташқари барча тенгламаларда x_1 номаълум йўқотилади ва натижада берилган системага тенг кучли қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{cases}a_{11}x_1+a_{12}x_2+a_{13}x_3+a_{14}x_4+\ldots+a_{1n}x_n=b_1,\\ \qquad a_{22}^{(1)}x_2+a_{23}^{(1)}x_3+a_{24}^{(1)}x_4+\ldots+a_{2n}^{(1)}x_n=b_2^{(1)},\\ \qquad a_{32}^{(1)}x_2+a_{33}^{(1)}x_3+a_{34}^{(1)}x_4+\ldots+a_{3n}^{(1)}x_n=b_3^{(1)},\\ \qquad a_{42}^{(1)}x_2+a_{43}^{(1)}x_3+a_{44}^{(1)}x_4+\ldots+a_{4n}^{(1)}x_n=b_4^{(1)},\\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\\ \qquad a_{n2}^{(1)}x_2+a_{n3}^{(1)}x_3+a_{n4}^{(1)}x_4+\ldots+a_{nn}^{(1)}x_n=b_n^{(1)}.\end{cases}$$

Агар $a_{22}^{(1)}\neq 0$ бўлса, у холда юқоридаги жараённи такрорлаб, системанинг иккинчи тенгламасидан ташқари барча тенгламаларида x_2 номаълумни йўқотамиз (Жордано усулининг Гаусснинг маълум усулидан фарқи ҳам шундан иборат) ва қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{aligned}
a_{11}^{(1)}x_1+a_{12}^{(1)}x_2+a_{13}^{(1)}x_3+a_{14}^{(1)}x_4+\dots+a_{1n}^{(1)}x_n&=b_1^{(1)},\\
a_{22}^{(1)}x_2+a_{23}^{(1)}x_3+a_{24}^{(1)}x_4+\dots+a_{2n}^{(1)}x_n&=b_2^{(1)},\\
a_{33}^{(2)}x_3+a_{34}^{(2)}x_4+\dots+a_{3n}^{(2)}x_n&=b_3^{(2)},\\
a_{43}^{(2)}x_3+a_{44}^{(2)}x_4+\dots+a_{4n}^{(2)}x_n&=b_4^{(2)},\\
\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots&\\
a_{n3}^{(2)}x_3+a_{n4}^{(2)}x_4+\dots+a_{nn}^{(2)}x_n&=b_n^{(2)}.
\end{aligned}$$

Бу жараённи $a_{33}\neq 0$ учун шунга ўхшаш давом эттириб, учинчи тенгламадан ташқари барча тенгламаларда x_3 номаълумни йўқотиб, ушбу системани ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned}
a_{11}^{(2)}x_1+a_{14}^{(2)}x_4+\dots+a_{1n}^{(2)}x_n&=b_1^{(2)},\\
a_{22}^{(2)}x_2+a_{24}^{(2)}x_4+\dots+a_{2n}^{(2)}x_n&=b_2^{(2)},\\
a_{33}^{(2)}x_3+a_{34}^{(2)}x_4+\dots+a_{3n}^{(2)}x_n&=b_3^{(2)},\\
a_{44}^{(3)}x_4+\dots+a_{4n}^{(3)}x_{12}&=b_4^{(3)},\\
a_{n4}^{(3)}x_4+\dots+a_{nn}^{(3)}x_n&=b_n^{(3)}
\end{aligned}$$

Ва ниҳоят бу жараённи давом этдира бориб, қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{cases}
a_{11}^{(n-1)}x_1=b_1^{(n-1)},\\
a_{22}^{(n-1)}x_2=b_2^{(n-1)},\\
a_{33}^{(n-1)}x_3=b_3^{(n-1)},\\
\dots\dots\dots\dots\dots\\
a_{nn}^{(n-1)}x_n=b_n^{(n-1)}.
\end{cases}$$

Агар $a_{ii}^{(i-1)}=0$ бўлса, тенгламаларнинг ўринларини алмаштириш орқали $a_{ii}^{(i-1)}\neq 0$ шарт бажариладиган ҳолга келтириш мумкин.

Бу системадан x_1, x_2, ... , x_n номаълумларнинг қийматлари топилади, тенгламалар системасини ечишнинг номаълумларни кетма-кет йўқотишга асосланган мазкур усули *Жордано — Гаусс усули* деб аталади.

Бу усулни тенгламалар системасига эмас, балки шу системанинг элементар алмаштиришлар ёрдамида диагонал кўринишга келтирилувчи кенгайтирилган матрицасига қўллаш қулайроқдир.

Мулоҳазаларнинг умумийлигига зарар етказмаган ҳолда фақат тўрт номаълумли тўртта тенгламалар системасини қараймиз. У ҳолда бундай системанинг кенгайтирилган матрицаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$A=\begin{pmatrix}
a_{11} & a_{12} & a_{13} & a_{14} & b_1\\
a_{21} & a_{22} & a_{23} & a_{24} & b_2\\
a_{31} & a_{32} & a_{33} & a_{34} & b_3\\
a_{41} & a_{42} & a_{43} & a_{44} & b_4
\end{pmatrix}$$

Ҳал қилувчи элемент сифатида бош диагоналда турган элемент олинади (a_{ii}, $i=\overline{1,4}$). Ҳал қилувчи элементда кесишувчи сатр ва устун мос равишда *ҳал қилувчи сатр* ва *ҳал қилувчи устун* деб аталади.

Кенгайтирилган A матрицадан унга эквивалент $A^{(1)}$ матрицага ўтиш учун

— A матрицада ҳал қилувчи элемент танланади (масалан, $a_{11}\neq 0$);

— ҳал қилувчи сатр эквивалент матрицага ўзгаришсиз кўчириб ёзилиб, ҳал қилувчи устуннинг ҳал қилувчи элементдан бошқа барча элементлари нолларга келтирилади;

— эквивалент матрицанинг қолган элементлари «тўғри тўртбурчак» қоидаси деб аталувчи қоида бўйича қайта аниқланади.

Бу қоиданинг моҳияти қуйидагича: A матрицанинг ушбу тўртта элементини қараймиз:

$$\begin{matrix}\boxed{a_{ik}} & & a_{im}\\ & & \\ a_{lk} & & a_{lm};\end{matrix}$$

бу ерда a_{ik} — ҳал қилувчи элемент, эквивалент матрицага ёзиладиган $a_{lm}^{(1)}$ га мос келувчи элемент, a_{im} ва a_{lk} ҳал қилувчи сатр ва ҳал қилувчи устундаги элементлар.

Алмаштирилаётган $a_{lm}^{(1)}$ элемент (эквивалент матрица элементи) ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$a_{lm}^{(1)}=\frac{a_{ik}a_{lm}-a_{lk}a_{im}}{a_{ik}}.$$

1- м и с о л. Ушбу

$$\begin{cases}
x+4y+2z=-1,\\
2x-3y+\ z=-7,\\
x-4y\qquad=-5
\end{cases}$$

системани Жордано — Гаусс усули билан ечинг.

усулидан фарқи ҳам шундан иборат) ва қуйидаги системага эга бўламиз:

$$
\begin{aligned}
a_{11}^{(1)}x_1+a_{12}^{(1)}x_2+a_{13}^{(1)}x_3+a_{14}^{(1)}x_4+\ldots+a_{1n}^{(1)}x_n&=b_1^{(1)},\\
a_{22}^{(1)}x_2+a_{23}^{(1)}x_3+a_{24}^{(1)}x_4+\ldots+a_{2n}^{(1)}x_n&=b_2^{(1)},\\
a_{33}^{(2)}x_3+a_{34}^{(2)}x_4+\ldots+a_{3n}^{(2)}x_n&=b_3^{(2)},\\
a_{43}^{(2)}x_3+a_{44}^{(2)}x_4+\ldots+a_{4n}^{(2)}x_n&=b_4^{(2)},\\
\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots&\\
a_{n3}^{(2)}x_3+a_{n4}^{(2)}x_4+\ldots+a_{nn}^{(2)}x_n&=b_n^{(2)}.
\end{aligned}
$$

Бу жараённи $a_{33}\neq 0$ учун шунга ўхшаш давом эттириб, учинчи тенгламадан ташқари барча тенгламаларда x_3 номаълумни йўқотиб, ушбу системани ҳосил қиламиз:

$$
\begin{aligned}
a_{11}^{(2)}x_1+a_{14}^{(2)}x_4+\ldots+a_{1n}^{(2)}x_n&=b_1^{(2)},\\
a_{22}^{(2)}x_2+a_{24}^{(2)}x_4+\ldots+a_{2n}^{(2)}x_n&=b_2^{(2)},\\
a_{33}^{(2)}x_3+a_{34}^{(2)}x_4+\ldots+a_{3n}^{(2)}x_n&=b_3^{(2)},\\
a_{44}^{(3)}x_4+\ldots+a_{4n}^{(3)}x_{12}&=b_4^{(3)},\\
a_{n4}^{(3)}x_4+\ldots+a_{nn}^{(3)}x_n&=b_n^{(3)}
\end{aligned}
$$

Ва ниҳоят бу жараённи давом этдира бориб, қуйидаги системага эга бўламиз:

$$
\begin{cases}
a_{11}^{(n-1)}x_1=b_1^{(n-1)},\\
a_{22}^{(n-1)}x_2=b_2^{(n-1)},\\
a_{33}^{(n-1)}x_3=b_3^{(n-1)},\\
\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\\
a_{nn}^{(n-1)}x_n=b_n^{(n-1)}.
\end{cases}
$$

Агар $a_{ii}^{(i-1)}=0$ бўлса, тенгламаларнинг ўринларини алмаштириш орқали $a_{ii}^{(i-1)}\neq 0$ шарт бажариладиган ҳолга келтириш мумкин.

Бу системадан x_1, x_2, ... , x_n номаълумларнинг қийматлари топилади, тенгламалар системасини ечишнинг номаълумларни кетма-кет йўқотишга асосланган мазкур усули *Жордано — Гаусс усули* деб аталади.

Бу усулни тенгламалар системасига эмас, балки шу системанинг элементар алмаштиришлар ёрдамида диагонал кўринишга келтирилувчи кенгайтирилган матрицасига қўллаш қулайроқдир.

Мулоҳазаларнинг умумийлигига зарар етказмаган ҳолда фақат тўрт номаълумли тўртта тенгламалар системасини қараймиз. У ҳолда бундай системанинг кенгайтирилган матрицаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$
A=\begin{pmatrix}
a_{11}\,a_{12}\,a_{13}\,a_{14}\,b_1\\
a_{21}\,a_{22}\,a_{23}\,a_{24}\,b_2\\
a_{31}\,a_{32}\,a_{33}\,a_{34}\,b_3\\
a_{41}\,a_{42}\,a_{43}\,a_{44}\,b_4
\end{pmatrix}
$$

Ҳал қилувчи элемент сифатида бош диагоналда турган элемент олинади ($a_{ii}, i=\overline{1,4}$). Ҳал қилувчи элементда кесишувчи сатр ва устун мос равишда *ҳал қилувчи сатр* ва *ҳал қилувчи устун* деб аталади.

Кенгайтирилган A матрицадан унга эквивалент $A^{(1)}$ матрицага ўтиш учун

— A матрицада ҳал қилувчи элемент танланади (масалан, $a_{11}\neq 0$);

— ҳал қилувчи сатр эквивалент матрицага ўзгаришсиз кўчириб ёзилиб, ҳал қилувчи устуннинг ҳал қилувчи элементдан бошқа барча элементлари нолларга келтирилади;

— эквивалент матрицанинг қолган элементлари «тўғри тўртбурчак» қоидаси деб аталувчи қоида бўйича қайта аниқланади.

Бу қоиданинг моҳияти қуйидагича: A матрицанинг ушбу тўртта элементини қараймиз:



